2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 234 (1833), 2026 йил 11 ноябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ТУРКИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФ ДОИРАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ УЧРАШУВЛАР

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни рафиқаси билан бирга амалий ташриф билан Анталия шаҳрига келди.





Халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ва Туркиянинг расмий шахслари кутиб олди.

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг 31-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуарте билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида иқлим ўзгаришига мослашиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда иқлим молияси маблағларини жалб этиш масалалари кўриб чиқилди.

Жамғарма билан шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 200 миллион доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтларни яратиш бўйича минтақавий дастур маъқулланганини олқишлади.

Мамлакатимиз молия институтларининг фонд ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини таъминлаш, Ўзбекистонда иқлимга оид, шу жумладан, Оролбўйини экологик жиҳатдан тиклаш ҳамда “яшил” шаҳарларни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли инвестиция дастурини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида шерикликни мустаҳкамлаш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан ҳам учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида ушбу етакчи молиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон олти йилдан буён ЕТТБнинг минтақадаги энг йирик молиявий ҳамкори бўлиб келмоқда. Лойиҳалар портфели 7 миллиард доллардан, 2025 йилда амалиётлар ҳажми илк бор 1 миллиард доллардан ошди.

Банкнинг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди. Унинг мамлакатимизга киритган сармояларининг қарийб 60 фоизи ушбу йўналишдаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Келгуси йил учун ҳамкорликнинг электр инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш, банк соҳасида хусусийлаштиришни амалга ошириш, Тошкент халқаро молия марказини ишга тушириш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини илгари суриш каби устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2027 йилда Хорижлик инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон метеорология ташкилоти бош котиби Селеста Сауло билан учрашув ўтказди.

Суҳбатда иқлим ўзгаришини мониторинг қилиш, экстремал об-ҳаво ҳодисаларига нисбатан бардошлиликни ошириш ҳамда экологик вазиятни яхшилаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ЖМТ билан гидрометеорология инфратузилмасини модернизация қилиш, об-ҳавони кузатиш тизимларини такомиллаштириш, маълумот алмашиш каби йўналишларда кўп йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Атмосфера мониторинги, қум ва чанг бўронларини прогноз қилиш ҳамда ҳаво сифатини таъминлаш соҳаларида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Якунда иқлим кун тартибининг устувор йўналишлари бўйича амалий шерикликни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Президенти Михаил Кавелашвили билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Грузия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 2-3 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Грузияга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат парламентлари, вазирликлари, идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони изчил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юритмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, саноат кооперациясини илгари суриш, туризмни ривожлантириш, транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда икки мамлакат ҳудудларини иқтисодий ҳамкорликка кенг жалб этиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлигининг энергетика вазири ҳамда саноат ва минерал ресурслар вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида вазир мамлакатимиз етакчисига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони кўп қиррали ҳамкорлиги ҳамда кенг кўламли шериклигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, йирик лойиҳалар портфели шаклланган, шундан асосий қисми “яшил” энергетика тармоғига тўғри келаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда нефть-газ, нефть-кимё, тоғ-кон саноати ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, аниқ амалий таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

11 ноябрь куни мамлакатимиз етакчиси БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг ялпи сессиясида иштирок этади.

ЎзА

СОР31ДА ИҚЛИМ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ



10-11 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркияга ташриф буюриб, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг Анталияда бўлиб ўтаётган ва 20 ноябрь кунига қадар давом этадиган 31-сессияси (COP31) тадбирлари доирасидаги Жаҳон етакчилар саммитида қатнашмоқда.

Мазкур глобал саммит Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида ўтказилади. Конференция дастуридан вазирлар мулоқотлари, бизнес форумлар, ёшлар тадбирлари ҳамда иқлим кун тартибининг асосий йўналишлари бўйича мавзули сессиялар ўрин олган.

Конференция глобал иқлимий хатарларни муҳокама қилиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш учун давлатлар, халқаро ташкилотлар, бизнес доиралари ҳамда молия институтлари вакилларини бир майдонга жамлайди.

Давоми 2-бетда

БМТ МИНБАРИДАН ЯНГРАГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ёхуд тарихий хотира, инсон қадри, очиқлик ва миллий манфаатларга таянган янги ташқи сиёсий тафаккур

Дунё тарихида шундай минбарлар борки, уларда айтилган сўз ўша жойнинг ўзида қолиб кетмайди. У халқлар хотирасига, давлатлар сиёсатига, баъзан эса бутун бир даврнинг сиёсий луғатига кириб боради.



БМТ Бош Ассамблеяси минбари шундай жой. Унга чиқиш оддий нутқ сўзлаш имкониятидан кенгроқ маъно касб этади. У ерда давлатлар ўзини дунёга таништиради, манфаатини ифодалайди. Хавотирини айтади, таклифини ўртага қўяди. Энг муҳими, инсоният олдидаги масъулиятини намоён этади. Бу тизимнинг сиёсий моҳиятида катта бир тамойил бор: давлатлар катта-кичиклиги, аҳолиси ёки ҳарбий қудрати билан фарқланиши мумкин, аммо уларнинг суверен қадр-қиммати тенг ҳурмат қилиниши керак.

Ташкилот минбари бу борада ҳар бир мустақил халқ учун ўз овозига эга бўлиш рамзидир. Биз учун бу фикрнинг қадри алоҳида. Чунки Ўзбекистон узоқ тарих давомида дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган мамлакат бўлса-да, XX асрнинг катта қисмида халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида ўз номидан сўзлаш имкониятига эга бўлмади. Самарқанду Бухоро, Хоразм ва Термиз ҳамда Фарғона водийсидан таралган илм ва тафаккур асрлар давомида жаҳон маданиятига хизмат қилди, аммо замонавий халқаро сиёсат майдонида Ўзбекистоннинг мустақил овози фақат истиқлол туфайли янгради.

Мамлакатимиз БМТга аъзо бўлган кундан бошлаб Нью-Йоркдаги машҳур минбар биз учун ҳам ўз фикримизни, миллий манфаатимизни ва дунё ҳақидаги қарашимизни айтадиган минбарга айланди. 1993 йилда мустақил Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илк бор ўз давлатчилик манфаатлари ва минтақавий қарашларини жаҳон ҳамжамияти олдида баён қилган эди.

Бугун масала юртимизни дунёга танитиш билан чекланиб қолмайди. Ўзбекистон жаҳонда кечаётган жараёнлар хусусида ўз қараши, таклифи ва позициясига эга давлат сифатида сўзламоқда. Мана шу фарқни англамай туриб, 2026 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида Ўзбекистон номидан янграган нутқнинг мазмунини тўлиқ ҳис қилиш қийин.

Дунёга очилиш

2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илк бор нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги устувор йўналишларини жаҳон ҳамжамиятига маълум қилган эди. Ана шу янгиланган сиёсий қарашда, аввало, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари минтақа тақдирига умумий манфаатлар, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорлик нуқтаи назаридан ёндашиш заруратини илгари сурди. Шу кундан бошлаб Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсати учун энг яқин, энг табиий ва энг масъулиятли макон сифатида янгича мазмун касб этди. Тинч, барқарор ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган минтақа барпо этиш эса давлатимиз сиёсий иродасининг муҳим ифодасига айланди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон халқаро иқлим жараёнларида бир неча ўн йиллардан буён фаол қатнашиб келмоқда. Мамлакат 1999 йилда Киото протоколи, 2018 йилда Париж битимини ратификация қилиб, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясига аъзо бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 11 ноябрь, 234-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Янги Ўзбекистон руҳи

Баъзан мамлакат тараққиётида шундай мақсадлар бўладики, уларнинг аҳамиятини англаш учун бугунги натижага эмас, босиб ўтилган йўлга назар ташлаш керак. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўли ҳам ана шундай жараёнлардан. Бу шунчаки халқаро ташкилотга кириш ёки ташқи савдо географиясини кенгайтириш масаласи эмас. Бу миллий иқтисодиётни очиқлик, рақобат, шаффоф қоидалар ва халқаро талаблар асосида янги босқичга олиб чиқишни англатади.



Умид ЁҚУБХЎЖАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ЖСТГА АЪЗОЛИК: СИЁСИЙ ИРОДА, ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯКУНИЙ МАРРА

Бугун ЖСТга аъзолик масаласи мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг аниқ мақсадларидан бири сифатида кун тартибига чиқди. Бундай натижа ўз-ўзидан юзага келмади. У Президентимиз томонидан илгари сурилган иқтисодий очиқлик сиёсати, ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган қатъий сиёсий ирода ва давлат идоралари олдига қўйилган изчил вазифалар самарасидир. Бир вақтлар мураккаб ва узоқ истиқболга дахлдордек кўринган жараён бугун амалий натижалар билан ўлчанадиган якуний босқичга кириб бормоқда.

Жорий йил 3 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳ раиси ҳамда ЖСТ котибияти вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида музокараларни 2026 йил якунига қадар тугатиш, 2027 йилда эса тўлақонли аъзолик учун зарур шароитларни яратиш мақсади маълум қилинди. Бу хабарни оддий дипломатик янгилик эмас, кўп йиллик ислоҳотлар ва машаққатли музокаралар натижасида эришилган муҳим сиёсий-иқтисодий марра сифатида баҳолаш лозим.

Назаримда, бугунги босқичнинг аҳамиятини тўғри англаш учун уч жиҳатга эътибор қаратиш зарур.

Биринчиси, жараённинг қандай сиёсий қарор ва ислоҳотлар туфайли қайта жонлангани.

Иккинчиси, музокараларда қай даражада аниқ натижаларга эришилгани.

Учинчиси, ташкилотга аъзолик мамлакат иқтисодиёти ва тадбиркорларимиз учун қандай янги имкониятлар очиши.

Ўзбекистон ЖСТга қўшилиш учун дастлаб 1994 йилда мурожаат қилган. Бироқ 2005 йилдан кейин музокаралар узоқ муддатга тўхтаб қолди. Шу боис, бугунги натижаларни 1994 йилдан бери узлуксиз давом этган музокараларнинг табиий якуни сифатида талқин қилиш тўғри эмас. Амалда янги, фаол босқич 2017 йилда бошланган иқтисодий очиқлик ва ташқи савдони эркинлаштириш сиёсати билан боғлиқ.

2018 йил март ойида Ўзбекистон ЖСТ котибиятига музокараларни қайта фаоллаштириш юзасидан расмий мурожаат йўллади. 2019 йил 25 июлда мамлакатимизнинг ташқи савдо режими тўғрисидаги янгиланган меморандуми ташкилот аъзоларига тарқатилди. Унда миллий савдо сиёсати, иқтисодиётни тартибга солиш механизмлари ва амалдаги қонунчилик ҳақида батафсил маълумот берилди. Ниҳоят, 2020 йил 7 июлда қарийб 15 йиллик танаффусдан сўнг ишчи гуруҳнинг тўртинчи йиғилиши ўтказилди. Бу кўп томонлама музокаралар расман қайта тикланганини англатарди.

Демак, ҳозирги фаол музокаралар босқичи 2020 йилдан бошланган. Олти йилдан сал кўпроқ вақт ичида жараённинг суръати ва мазмуни тубдан ўзгарди. Айниқса, 2023 йилдан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган аниқ вазифалар, идораларо мувофиқлаштиришнинг кучайтирилиши ва масалага тизимли ёндашув натижасида сезиларли силжишларга эришилди.

Бу ерда сиёсий ироданинг ҳал қилувчи аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак: мураккаб халқаро музокаралар фақат мақсадни эълон қилиш эмас, балки бутун давлат тизимини шу мақсад атрофида бирлаштириш билан олға силжийди.

Нега бу жараён осон кечмайди?

ЖСТга аъзо бўлиш оддий халқаро шартномани имзолаш ёки сиёсий қарор қабул қилиш билан тугамайди. Номзод давлатнинг ташқи савдо режими чуқур ўрганилади, товарлар ва хизматлар бозорига кириш шартлари ҳар бир манфаатдор давлат билан келишилади, миллий қонунчиликнинг ташкилот қоидаларига мувофиқлиги баҳоланади. Бошқача айтганда, музокаралар мамлакат иқтисодиётининг деярли барча муҳим тармоқлари, тартибга солиш тизими ва келгуси ривожланиш имкониятларига дахл қилади.

ЖСТ котибиятининг 2024 йилда эълон қилинган маълумотларига кўра, ташкилотга қўшилиш жараёнини якунлаган давлатлар учун ариза топширишдан тўлақонли аъзоликкача бўлган ўртача муддат 10 йил 4 ойни ташкил этган. Айрим давлатларда бу жараён анча узоқ давом этган.

Бу рақамлар ЖСТга қўшилиш қанчалик мураккаб, кўп босқичли ва ҳар бир давлат учун ўзига хос жараён эканини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, бугун музокараларни 2026 йил якунига қадар тугатиш мақсади қўйилаётгани шунчаки тезкорлик эмас, балки давлат бошқаруви, иқтисодий дипломатия ва ислоҳотлар мувофиқлашувининг жиддий натижасидир.

99 фоизли натижа: катта силжиш

Рақамлар бугунги тараққиёт суръатини яққол кўрсатади. 2025 йил давомида ишчи гуруҳнинг иккита йиғилиши ўтказилиб, ЖСТга аъзо давлатларнинг 200 дан ортиқ саволига жавоблар берилди, ташқи савдога оид 30 дан зиёд ҳужжат тақдим этилди. Икки томонлама йўналишда 40 дан ортиқ музокара раунди ўтказилди. Йил давомида 11 та давлат билан музокаралар якунланиб, келишувга эришилган ҳамкорлар сони 33 тага етди.

2026 йилда ҳам бу ишларнинг суръати пасаймади. Ишчи гуруҳнинг 12 ва 13-йиғилишида аъзо давлатларнинг 400 дан ортиқ саволига жавоблар тақдим этилди. Энг эътиборли кўрсаткич эса товарлар ва хизматлар бозорига кириш бўйича икки томонлама музокараларнинг, ишчи гуруҳ раисининг сўнгги баҳосига кўра, деярли 99 фоизга якунланганидир.

99 фоиз — бу шунчаки таъсирчан рақам эмас. У йиллар давомида ўтказилган музокаралар, тақдим этилган ҳужжатлар, идоралар ва мутахассисларнинг катта меҳнати ортида турган аниқ натижадир. Айни пайтда бу кўрсаткич аъзоликка оид барча масалалар ҳал бўлди дегани эмас. Кўп томонлама музокараларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти, савдо ҳимояси воситалари ва тегишли ҳуқуқий мажбуриятлар бўйича келишувларга эришиш зарур.

Бу масалаларнинг ҳар бири иқтисодиётнинг узоқ муддатли манфаатларига дахл қилади. ЖСТга аъзоликнинг аҳамияти фақат ташкилотга кирганимиздан кейин намоён бўлмайди. Бу жараёнга тайёргарликнинг ўзи миллий иқтисодиётда муҳим ўзгаришларни рағбатлантирмоқда. Ташқи савдо қоидалари шаффофлашиши, ортиқча маъмурий тўсиқлар қисқариши, техник тартибга солиш тизими такомиллашиши ва миллий стандартларни халқаро талабларга яқинлаштириш — буларнинг барчаси тадбиркор учун амалий аҳамиятга эга.

Масалан, 2025 йилда 68 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ЖСТ талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Айрим экспорт чекловлари бекор қилинди, озиқ-овқат маҳсулотларига оид 14 та техник регламент ўз кучини йўқотди, 747 турдаги товарга нисбатан мажбурий сертификатлаштириш талаблари олиб ташланди.

Бу ўзгаришлар корхоналарнинг вақт ва харажатларини камайтириш, бозорга киришдаги сунъий тўсиқларни қисқартириш, қоидаларнинг олдиндан маълум ва тушунарли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Айни мақсад йўлидаги ислоҳотларнинг моҳиятини оддий мисолда кўриш мумкин: тадбиркор маҳсулотини экспорт қилиш учун ортиқча рухсатнома ва такрорий талаблар билан овора бўлмаса, унинг вақти ҳам, маблағи ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги бозор топишга йўналади. Истеъмолчи эса сифат ва нарх бўйича рақобат кучайган муҳитдан манфаат кўради. Демак, ЖСТга тайёргарлик фақат ташқи савдо музокараси эмас, мамлакат ичидаги иқтисодий муҳитни яхшилаш жараёни ҳамдир.

Бугунги кунда олдимизда иккита ўзаро боғлиқ вазифа турибди: халқаро музокараларни муваффақиятли якунлаш ва миллий қонунчилик ҳамда тартибга солиш тизимини ЖСТ қоидаларига уйғунлаштириш. Бу жараёнда Олий Мажлиснинг ҳам муҳим ўрни бор. Парламент ўз ваколатлари доирасида қонунчилик базасини такомиллаштириш, қабул қилинаётган нормаларнинг халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш ва ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Музокараларни 2026 йилда якунлаш ва 2027 йилда аъзоликни расмийлаштириш мақсади ҳақида гап кетар экан, бир ҳуқуқий жиҳатни ҳам аниқ тушуниш лозим: музокаралар тугагач, аъзолик ҳужжатлари ЖСТнинг тегишли органларида тасдиқланиши ва мамлакат ичида зарур ҳуқуқий тартиб-таомиллар бажарилиши керак. Шунинг учун музокараларнинг якунланиш санаси билан аъзоликнинг расман кучга кириш санаси бир хил бўлмаслиги мумкин. Бу жараённинг табиий ҳуқуқий тартибидир.

Бир пайтлар узоқ ва мураккаб вазифадек кўринган ЖСТга аъзолик масаласининг бугун аниқ муддатлар ва амалий натижалар билан муҳокама қилинаётгани, аввало, мамлакатимизда иқтисодий сиёсатнинг ўзгаргани, ташқи дунё билан очиқ ва прагматик ҳамкорликка устувор аҳамият берилгани билан боғлиқ. Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли бу масала яна кун тартибига қайтди, давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланди ва изчил ҳаракатлар натижасида якуний босқичга олиб чиқилди.

Эндиликда муҳим вазифа — эришилган суръатни сақлаш, қолган келишувларни миллий манфаатларимизга мос ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта асосда якунлаш, аъзоликдан келиб чиқадиган имкониятлардан самарали фойдаланишга тайёргарлик кўриш. Зеро, ЖСТга аъзоликнинг ҳақиқий қиймати фақат халқаро майдондаги мақом эмас, балки унинг юртимиздаги ишлаб чиқарувчи, экспортчи, тадбиркор ва ҳар бир истеъмолчи ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар ясаши билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги натижаларни муҳим сиёсий ва иқтисодий ютуқ сифатида эътироф этиш билан бирга олдимизда турган масъулиятни ҳам унутмаслигимиз керак. Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш сари шунчаки яқинлашмаяпти, у ўз иқтисодиётини янги рақобат муҳитига тайёрламоқда, халқаро савдо қоидаларини шакллантиришда иштирок этиш имкониятига эга бўлиш арафасида турибди. Бу эса мамлакатимиз тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга янги босқичдир.

СОР31ДА ИҚЛИМ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Сиёсий мажбуриятларни аниқ амалий ҳаракатларга айлантириш конференциянинг асосий устувор вазифаси бўлади. Кун тартиби марказида иқлимни молиялаштириш, иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш, энергетик ўтиш, глобал исишга мослашиш ҳамда заиф давлатларни қўллаб-қувватлаш масалалари туради.

Глобал исишни 2°C дан анча паст даражада ушлаб туриш ҳамда 1,5°C даражасида чеклашга қаратилган Париж битими ижросига алоҳида эътибор қаратилиши кутилмоқда. Иқлимни молиялаштириш ҳамон энг мураккаб масалалардан бири сифатида қолмоқда.

Бокудаги COP29 саммитида давлатлар 2035 йилга қадар ривожланаётган мамлакатлар учун йилига камида 300 миллиард доллар сафарбар қилиш, давлат ва хусусий манбалардан жалб этиладиган умумий молиялаштириш ҳажмини 1,3 триллион долларгача етказишга келишиб олган эди.

Шу билан бирга, мамлакатлар давлат ва хусусий молиялаштириш, жумладан, грантлар ва имтиёзли кредитларнинг мақбул мутаносиблигини муҳокама қилишни давом эттирмоқда. Иқлим ўзгаришига мослашиш, ташламаларни камайтириш ва давлатлар ўртасида масъулиятни тақсимлаш масалалари ҳам диққат марказида қолмоқда.

Туркия раислиги COP31нинг ўнта устувор йўналишини белгилаб берди. Булар қаторига тоза энергетика, чиқиндилар ва метан миқдорини камайтириш, барқарор шаҳарлар, “яшил” саноатлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ҳамда экотизимларни асраш масалалари ҳам киритилган. Миллий иқлим режаларини амалий натижаларга айлантира оладиган инвестициявий лойиҳаларни тайёрлашга алоҳида урғу берилган.

Иқлим музокаралари Марказий Осиё учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, минтақа ерларнинг жадал деградацияси, сув ресурсларининг қисқариши ва музликларнинг эриши муаммоларига дуч келмоқда.

Бразилиянинг Белен шаҳрида ўтган COP30да Ўзбекистон Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Марказий Осиёдаги ерларнинг 20 фоиздан ортиғи деградацияга учрагани, минтақада ўртача ҳарорат аллақачон 2,2°C га кўтарилганини таъкидлаган эди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори қарийб икки баравар қисқарган, минтақа музликлар ҳажмининг деярли 30 фоизини йўқотган.

Ушбу хатарлар кўлами минтақа мамлакатлари биргаликда, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиши зарурлигини яққол кўрсатмоқда. Сув ресурсларини асраш, ерларни қайта тиклаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда халқаро иқлимий молиялаштириш воситаларидан кенг фойдаланиш Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим экологик вазифага айланмоқда.

Ўзбекистон халқаро иқлим жараёнларида бир неча ўн йиллардан буён фаол қатнашиб келмоқда. Мамлакат 1999 йилда Киото протоколи, 2018 йилда Париж битимини ратификация қилиб, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясига аъзо бўлган. Ўтган давр мобайнида миллий иқлим сиёсати янги йўналишлар ва аниқ мақсадли кўрсаткичлар билан бойиди.

Хусусан, 2025 йил ноябрда мамлакат Миллий миқёсда белгиланадиган учинчи ҳиссасини тақдим этиб, 2035 йилга бориб, ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг солиштирма ташламаларини 2010 йил даражасига нисбатан 50 фоиз камайтириш мажбуриятини олди.

Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш миллий устувор вазифалардан биридир. Келгуси беш йилда унинг ўрнатилган қувватини 25 минг МВтга, умумий ишлаб чиқаришдаги улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. “Яшил макон” дастури доирасида ўрмон майдонларини 6,1 миллион гектар, жумладан, Оролбўйида 2,3 миллион гектарга етказиш кўзда тутилган.

Бокуда бўлиб ўтган COP29да Президент Шавкат Мирзиёев иқлим ўзгаришига қарши курашда глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сув ва генетик ресурсларни асраш, барқарор қишлоқ хўжалиги ҳамда шаҳарларни ривожлантириш, ёшларнинг “яшил” ташаббусларини илгари суришга йўналтирилган қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурган эди.

Хусусан, мамлакатимиз ўз иқтисодиётида “яшил” энергетика улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйган ва 2050 йилга келиб иқлим бўйича мажбуриятларини янада кенгайтириш ниятида.

Ўзбекистон етакчиси анжуман чоғида электромобиллар ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Президентимиз минтақа мамлакатларининг Минтақавий иқлим стратегияси устида биргаликда иш олиб бораётгани ҳамда Европага “яшил” электр энергиясини етказиб бериш бўйича ташаббусини қайд этди.

Глобал экологик жамғарма (GEF) билан шериклик Ўзбекистон халқаро ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. 2026 йилнинг май-июнь ойларида Самарқанд жамғарманинг саккизинчи ассамблеясига мезбонлик қилди ва унинг якунларига кўра Ўзбекистон илк бор донор давлатлар қаторига кирди. Бу мамлакатимизнинг халқаро экологик ҳамкорликдаги иштирокида янги босқични бошлаб берди.

БМТ тузилмалари билан биргаликда ишлаб чиқилаётган лойиҳалар ана шундай амалий ҳамкорликнинг узвий давомидир. GEFнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган тўққизинчи дастурий цикли доирасида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) иштирокида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш лойиҳаси устида ишланмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) билан ҳамкорликнинг яна бир йўналиши Марказий Осиёдаги қор қоплони ва тоғ экотизимларини асраб-авайлашга қаратилган. БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) билан биргаликда энергия тежамкор совитиш тизимларини ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Мазкур ташаббуслар бир йўла бир неча муҳим соҳа — биохилма-хилликни муҳофаза қилишдан тортиб, энергиядан оқилона фойдаланиш ва иқлим ўзгаришига мослашишгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Шундай қилиб, Жаҳон етакчилари саммити глобал иқлим мажбуриятларини бажариш бўйича навбатдаги қадамларни белгилаш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим майдонга айланиши лозим.

Марказий Осиё учун қабул қилинаётган қарорларда минтақавий экологик таҳдидларнинг инобатга олиниши ғоят муҳим бўлса, Ўзбекистон учун мазкур конференция ўз ташаббусларини илгари суриш ва биргаликдаги ечимларни излашда шериклик алоқаларини кенгайтириш имконини беради.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧМОҚДА

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР АНТАЛИЯДАГИ МИЛЛИЙ ПАВИЛЬОНИМИЗ ҲАҚИДА ФИКР БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирлари доирасида ўтказилаётган Бутунжаҳон етакчилар саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Туркияга борди.

Халқаро саммит доирасида Ўзбекистон мамлакатнинг иқлим сиёсатидаги устувор йўналишлари, миллий ташаббуслари ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболларини намойиш этишга қаратилган миллий павильонни тақдим этди.

Павильонда намойиш этилаётган тақдимотларда давлат идоралари, халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда экспертлар ҳамжамияти вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон экспозициясида сув хавфсизлиги, иқлим ўзгаришига мослашиш, қишлоқ хўжалиги ва Марказий Осиё экотизимларини қайта тиклаш йўналишларида илгари сурилган ташаббуслар хорижий делегацияларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бекир КАРАЖАБЕЙ,
Туркия Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси директори:



— Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман ва ҳар борганимда бу юртнинг янги қирраларини кашф этаман. Анталияда ташкил этилган Ўзбекистон павильони ўзига хослиги ва бой маданий мероси билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Павильон юксак дид билан безатилган бўлиб, мамлакат қиёфасини муносиб акс эттирган. Уни яратишда иштирок этган ва ушбу лойиҳани амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга миннатдорлигимни билдираман.

Мамлакатингиздаги ҳамкасбларимиз билан ўрмон хўжалиги соҳасида муҳим ва истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биз биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириямиз ва долзарб экологик вазифалар устида ишлаяпмиз. Келгусида ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб, шериклигимиз янада мустаҳкамланишига ишончим комил.

Ўзбекистоннинг Оролбўйи, хусусан, ўта мураккаб табиий иқлим шароитларида иш олиб борилаётган қумли ва қурғоқчил ҳудудларни кўкаламзорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътирофга лойиқ. Биз ушбу ташаббуслар билан шахсан танишиш ва эришилган натижаларни бевосита жойида кўриш имконига эга бўлдик.

Ушбу минтақа кенг кўламли саъй-ҳаракатларни, тизимли ёндашувни ҳамда машаққатли ва изчил меҳнатни талаб этади. Шу билан бирга, бу ерда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларни, айниқса, буталар ва қурғоқчиликка чидамли бошқа ўсимликларни экиш бўйича ташаббусларни юқори баҳолайман. Вақт ўтиши билан улар тупроқ ҳолатини яхшилаш, экотизимни тиклаш ва янада қулай табиий шароитларни шакллантиришга хизмат қилишига ишончим комил.

Кок Ли ПЭНГ,
Сингапурнинг Туркиядаги элчиси:



— Ўзбекистон миллий павильони кишида жуда ёқимли таассурот уйғотади. Бу ерни айланиб, ўзгача осойишталик ва уйғунлик муҳитини ҳис қилиш мумкин.

Яшилликнинг мўллиги, пухта ўйланган безаклар ва табиий муҳит, айниқса, COP31 майдонига хос бўлган гавжумлик фонида ўзингизни бутунлай бошқача ҳис қилиш имконини беради.

Ўзбекистон ривожланишнинг юксак суръатларини намоён этмоқда. Мамлакат улкан салоҳият, кўп сонли аҳоли, меҳнатсевар ва ташаббускор инсонларга эга. Ўзбекистон жадал ривожланиб, халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини очмоқда.

Энг муҳими, мамлакат барқарор ўсиш ва янги инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча имкониятлар яратган ҳолда, иқтисодиётни диверсификация қилиш йўлида изчил иш олиб бормоқда.

Ингрид-Габриэла ХОВЕН,
Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) бошқарув директори:

— Биз Марказий Осиё давлатлари вакилларидан минтақада иқлим ўзгаришининг жиддий оқибатлари аллақачон сезилаётганини эшитдик. Гап қурғоқчилик, ерларнинг деградацияси ва сув ресурсларининг ўткир тақчиллиги ҳақида бормоқда.

Буларнинг барчаси сезиларли иқтисодий зарарларга олиб келмоқда. Чунки маҳаллий аҳоли атроф-муҳит ва ўзлари ўрганган табиий ландшафтларнинг ўзгаришига бевосита дуч келмоқда.

Шу боис, мазкур мамлакатлар бу каби муаммоларга алоҳида ёки фақат миллий даражада ёндашиш самара бермаслигини англаб етди. Табиий ландшафтлар ва экотизимлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат чегаралари билан чекланиб қолмайди. Бинобарин, муаммони самарали ҳал этиш биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Энг аввало, қўшни мамлакатлар дастур доирасидаги чора-тадбирларни биргаликда режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, эришилган натижалар бўйича умумий мониторинг олиб бориш учун кучларини бирлаштирди.

Бу ҳақиқатан ноёб ёндашувдир. Чунки уни ҳаётга татбиқ этиш муайян сиёсий ирода ва жасоратни — фақат миллий доирада чекланиб



қолишдан воз кечиб, ҳамкорлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёрликни талаб этади.

Биз Ўзбекистон билан турли соҳаларда узоқ йиллик ва мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Шу билан бирга, табиий ресурсларни бошқариш ва уларни асраб-авайлаш борасидаги ҳамкорлик анъанавий тарзда ўзаро муносабатларимизда асосий йўналишлардан бирини ташкил этади.

Қадриятларимиз биз қўллаб-қувватлашни мақсад қилган йўналиш ва вазифалар билан ҳамоҳанг бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айнан мана шундай ўзаро тушуниш, ишонч ва устувор мақсадларнинг муштараклиги Ўзбекистон билан кўп йиллик самарали ҳамкорлигимиз пойдеворини ташкил этмоқда.

“Дунё” АА
Анталия шаҳри

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Нью-Йоркдаги БМТ залида Ўзбекистон номи ёзилган жой бор. У ерда янграган ҳар бир овоз ортида мамлакатимизнинг тарихи ва эртаси, Самарқанддаги устоз, Фарғонадаги деҳқон, Қорақалпоғистондаги оила, Тошкентда изланаётган ёш тадбиркор ва хорижда меҳнат қилаётган ватандошнинг тақдири туради.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 11 ноябрь, 234-сон

Буюк ўзбек йўли

БМТ МИНБАРИДАН ЯНГРАГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ёхуд тарихий хотира, инсон қадри, очиқлик ва миллий манфаатларга таянган янги ташқи сиёсий тафаккур



Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу йўл кейинги йилларда ташқи сиёсат амалиётига кўчди. Чегаралар очилди. Қўшнилар мулоқоти кучайди. Савдо, транспорт, маданий алоқалар ва одамлар қатнови кенгайди. Марказий Осиё халқаро сиёсий луғатда тобора кўпроқ ҳамкорлик, яқинлашув ва умумий манфаатлар макони сифатида тилга олина бошлади.

Мазкур жараён ортида муҳим сиёсий фалсафий мушоҳада бор: қўшнининг тинчлиги — сенинг тинчлигинг, қўшнининг тараққиёти — сенинг тараққиётинг учун имконият. Ана шундай ўзбекона миллий дунёқараш ташқи сиёсатнинг амалий мезонига айланди.

Президентимиз 2023 йили БМТ Бош Ассамблеяси минбарида дунёда ишонч инқирози тобора чуқурлашаётганига алоҳида урғу берган эди. Давлатимиз раҳбари геосиёсий қарама-қаршиликлар кучайиши, халқаро ҳуқуқ меъёрлари заифлашиши, савдо ва инвестициялар йўлида янги тўсиқлар пайдо бўлаётгани каби хавфли тенденцияларни ўша даврнинг ўзидаёқ аниқ кўрсатди. Орадан ўтган вақт бу мулоҳазалар нақадар ҳаётий ва узоқни кўзлаган сиёсий таҳлилга таянганини янада равшан намоён этмоқда: бугун халқаро муносабатлардаги ишонч танқислиги, куч марказлари ўртасидаги рақобат ва иқтисодий чекловлар кўлами янада кенгайди.

Ушбу ҳолат мамлакатимиз етакчиси ташқи сиёсатда кундалик воқеалар ортидан эргашиш билан чекланмай, уларнинг келгуси йўналишини англаш, пайдо бўлаётган хавфларни олдиндан ҳис этиш ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан стратегик хулоса чиқаришга асосланган сиёсий тафаккурни намоён этаётганини кўрсатади.

Бугун ана шу тенденциялар янада мураккаб геосиёсий манзарани вужудга келтирди. Дунёда қутблашув кучаймоқда, урушлар ва минтақавий можаролар давом этмоқда. Йирик куч марказлари ўртасидаги рақобат энди фақат сиёсий ёки ҳарбий майдон билан чекланмай, технология, маълумот, энергетика, транспорт йўлаклари ва иқтисодий таъсир соҳаларигача кенгаймоқда. Бундай шароитда кичик ва ўрта давлатлар учун асосий масала кимнингдир ортидан эргашишда эмас, ўз миллий манфаатини аниқ англаш, ташқи босимлар орасида сиёсий мустақилликни сақлаш ва турли куч марказлари билан ўзаро ҳурмат асосида муносабат қуриш қобилиятида намоён бўлади.

Янги Ўзбекистон сўнгги йилларда айнан шундай ташқи сиёсий маданиятни шакллантирмоқда: очиқ, прагматик, миллий манфаатларга таянган, барча билан мулоқот қила оладиган ва айни пайтда ўз позициясини қатъий сақлайдиган сиёсат. Бу йўл мамлакатга турли геосиёсий марказлар билан ҳамкорлик, ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш ва ҳар қандай вазиятда суверен қарор қабул қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси минбарида янграган нутқи ҳам ана шу сиёсий тафаккурнинг мантиқий ифодаси бўлди. Унда Ўзбекистоннинг очиқлик, мулоқот, миллий манфаат, инсон қадри ва халқаро ҳамкорликка таянган позицияси жаҳон ҳамжамиятига аниқ ва ишончли тарзда етказилди.

Ушбу нутқда дастлабки ва асосий ғоялардан бири жуда аниқ қўйилди: Ўзбекистоннинг танлови — очиқлик, яхши қўшничилик ва дунё билан тенг мулоқот. Бу формула оддий дипломатик иборадан анча кенг сиёсий мазмунни ифода этади. Унда Ўзбекистоннинг ўз хавфсизлиги, тараққиёти ва халқаро нуфузини қандай сиёсий тамойиллар асосида қуришга интилаётгани мужассам.

Бугунги мураккаб геосиёсий муҳитда очиқлик баъзан заифлик, муроса эса ён бериш сифатида талқин қилиниши мумкин. Қаттиқ риторика, кескин баёнот ва куч намойиши айрим ҳолларда давлат қудратининг асосий белгиси сифатида кўрсатилади. Ўзбекистон танлаган сиёсий йўл бошқа мантиққа таянади: тинчликка интилиш, мулоқот эшигини очиқ сақлаш, умумий манфаатни излаш ва энг мураккаб масалаларда ҳам сиёсий ақлни устувор қўя билиш давлатнинг ожизлигини эмас, ўз мақсади ва манфаатини чуқур англаганини кўрсатади.

Мазкур ёндашувнинг ҳаётий қиммати, айниқса, Марказий Осиё тажрибасида яққол намоён бўлди. Яқин ўтмишда минтақада чегаралар, сувдан фойдаланиш, транспорт қатнови ва одамларнинг борди-келдиси билан боғлиқ йиллар давомида тўпланиб қолган мураккаб масалалар мавжуд эди. Бундай шароитда кескинликни кескинлик билан қайтариш, ўзаро даъволарни яна узоқ йилларга чўзиш ёки сиёсий характерни намойиш этиш йўлини танлаш ҳам мумкин эди. Президентимиз бошқа йўлни — сиёсий ирода, очиқ мулоқот, ўзаро манфаатни тан олиш ва халқларимизнинг тинч ҳаётини устувор қўйиш йўлини танлади.

Бу сиёсатнинг туб моҳиятини фақат дипломатик муроса билан изоҳлаш камлик қилади. Давлат раҳбари учун баъзан энг мураккаб қарор йиллар давомида йиғилган алам, ишончсизлик ва қарама-қаршиликлар устидан соғлом сиёсий тафаккурни устун қўя билишда намоён бўлади. Чунки ҳар бир ёпиқ чегара ортида инсон тақдири, ҳар бир узилган йўл ортида оилалар, савдо-сотиқ, қариндошлик ва қўшничилик муносабатлари туради. Халқнинг ана шу кундалик ташвишларини давлат сиёсати даражасида ҳис қилиш ва уларга ечим излаш раҳбарлик масъулиятининг энг мураккаб қирраларидан.

Шу нуқтада давлат манфаати, вазмин сиёсий ҳисоб-китоб ва эртанги авлодлар осойишталиги устувор аҳамият касб этди. Натижада бир вақтлар ечими узоқдек туюлган масалалар музокара столига қайтди, чегаралар очилди. Транспорт ва савдо алоқалари кенгайди. Одамлар борди-келдиси тикланди. Энг муҳими, минтақа давлатлари ўртасида муаммони қарама-қаршилик орқали эмас, келишув ва ўзаро манфаат орқали ҳал қилиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлди.

Ҳақиқий сиёсий куч ҳар доим баланд овозда намоён бўлавермайди. Баъзан у халқнинг дардини давлат раҳбарининг шахсий масъулияти сифатида қабул қилиш, кечаги зиддиятларни эртанги авлодларга мерос қолдирмаслик ва мураккаб масалаларни музокара орқали ҳал этишга сиёсий ирода топа билишда кўринади. Марказий Осиёда сўнгги йилларда шаклланган янги муҳит Президентимиз илгари сурган яхши қўшничилик сиёсати ҳамда минтақа давлатлари раҳбарларининг умумий манфаатларни англашга қаратилган сиёсий иродаси билан боғлиқ.

Марказий Осиёда тўпланган ана шу амалий тажриба Ўзбекистонга БМТ минбаридан дунёга ишонч билан мурожаат қилиш учун мустаҳкам сиёсий асос берди. Мамлакатимиз мулоқот самарасини, ўзаро ишонч қадрини ва яхши қўшничиликнинг хавфсизликка қандай хизмат қилишини ўз минтақасида амалда кўрди. Давлатлар бир-бирига шубҳа ёки таҳдид манбаи сифатида қарашдан кўра, умумий имконият ва манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашишни бошлаганда, сиёсий муҳитнинг ўзи ҳам ўзгаради. Шу боис, БМТ минбаридан янграган очиқлик, яхши қўшничилик ва тенг мулоқот ҳақидаги фикрлар назарий чақириқ эмас, Марказий Осиёда муайян натижалар билан тасдиқланган сиёсий тажриба ифодаси сифатида ҳам салмоқ касб этди.

Бугунги халқаро муносабатларда бир савол давлатлар олдига тобора кўпроқ қўйилмоқда: “Сиз қайси томондасиз, у ёки бу блок тарафидами? Қайси геосиёсий куч марказига яқинсиз? У ёки бу можарода кимни танлайсиз?” Бу саволлар замирида баъзан эркин танловдан кўра геосиёсий босим кучлироқ сезилади.

БМТ минбаридан бу саволга Ўзбекистон Президенти изчил илгари суриб келаётган сиёсий позиция мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ўзига хос ва аниқ жавоб берилди: Ўзбекистоннинг танлови — инсон қадри. Давлат қудратининг ҳақиқий мезони ҳам, аввало, инсоннинг ҳуқуқи, манфаати, қадр-қиммати ва тинч келажагини таъминлай олиш қобилияти билан белгиланади.

Бу ёндашув глобал жараёнлардан четда туришни англатмайди. Аксинча, у халқаро ҳуқуққа ҳурмат, давлатлар суверенлиги, тинчлик, тенглик ва инсон манфаати каби тамойилларга таянган аниқ сиёсий позицияни тақозо этади. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида миллий манфаат билан умуминсоний қадриятлар бир-бирини тўлдиради: мамлакатимиз тинчликдан манфаатдор, чунки тараққиёт тинч муҳитда қарор топади. Очиқ дунёдан манфаатдор, чунки ташқи бозорлар, транспорт коридорлари ва барқарор қўшничилик мамлакат келажаги учун ҳаётий аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ устуворлигидан манфаатдор, чунки суверен тенглик каттаю кичик ҳар бир давлатнинг овози ва манфаати ҳурмат қилингандагина ҳақиқий мазмун касб этади.

Шу боис, Ўзбекистон учун “Қайси томондасиз?” деган саволнинг жавоби геосиёсий танлов билан чекланмайди. Унинг моҳияти тинчлик, инсон қадри, миллий манфаат ва халқаро ҳуқуқ томонида туришдир. БМТ минбаридан янграган нутқда ана шу позиция аниқ ва ишончли ифода этилди.

БМТ минбаридан янграган нутқда алоҳида эътиборга лойиқ концептуал жиҳат бор: давлат қудратининг мезони нима? Анъанавий сиёсатшуносликда куч деганда армия, иқтисодиёт, табиий ресурслар, аҳоли ёки технология тушунилади. Булар муҳим. **Бироқ Ўзбекистон БМТ минбаридан бу тушунчага яна бир ўлчов қўшди: давлатнинг инсон ҳуқуқи, манфаати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш қобилияти.**

Бу ғоя тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ички ислоҳотларида “инсон қадри” тушунчаси марказий мезон сифатида шаклланди. Маҳаллага тушиш, одамлар муаммосини эшитиш, камбағалликни қисқартириш, таълим имкониятларини кенгайтириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш кабилар шу мантиқ билан боғланди.

Энди мазкур тушунча ташқи сиёсат тилига ҳам кўчмоқда. Яъни Ўзбекистон дунёга тараққиёт статистика ўсиши билан якунланмайди, унинг инсон ҳаётидаги натижаси муҳим деган қарашни таклиф қилмоқда.

Нутқда иқтисодиёт, инвестиция, экспорт, камбағалликни қисқартириш, мактабгача ва олий таълим қамрови каби кўрсаткичлар келтирилди. Бу рақамларнинг сиёсий маъноси шундаки, Ўзбекистон БМТда фақат иқтисодиёт ўсганини маълум қилмади. Масала бундай қўйилди: ислоҳот натижаси одам ҳаётида сезилса, унинг қадри бор. Бу давлат бошқаруви учун ҳам, халқаро ривожланиш сиёсати учун ҳам муҳим формула.

Қарордан амалий натижага: самарали БМТ

БМТ минбарида янграган ушбу нутқнинг муҳим ташқи сиёсий йўналишларидан бири ташкилот келажагига бағишланди. 1945 йилда яратилган тизим билан XXI асрнинг кўп қутбли, рақамлашган ва ўзаро боғлиқ дунёси ўртасида катта фарқ пайдо бўлди. Шу боис, ташкилотнинг қарор қабул қилиш салоҳияти билан бирга қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ҳам ошириш зарурати илгари сурилди.

Ўзбекистон БМТни замон талабларига мос такомиллаштиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Хавфсизлик кенгаши таркибини бугунги халқаро воқеликка мос кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон 2035-2036 йиллар учун БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига ўз номзодини тақдим этгани эълон қилинди. Бу баёнот мамлакатнинг глобал хавфсизлик масалаларида масъулият олишга тайёрлигини кўрсатувчи муҳим сиёсий сигнал бўлди.

Бу хабарни алоҳида ўқиш керак. 1992 йилда БМТга янги қабул қилинган Ўзбекистон билан 2035-2036 йилларда Хавфсизлик кенгашида масъулият олишга тайёрлигини билдираётган Ўзбекистон ўртасида катта сиёсий масофа бор. Бир пайтлар халқаро майдонда ўз ўрнини излаган давлат бугун глобал хавфсизлик масалалари муҳокама қилинадиган энг муҳим органлардан бирида иштирок этиш истагини билдиряпти. Бу ташқи сиёсий амбиция ўсишидан ҳам кўра, масъулият доираси кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон позициясида яна бир муҳим жиҳат бор: халқаро ҳуқуқ турли давлатлар учун турлича ишлайдиган воситага айланиб қолмаслиги керак. Бу принцип, айниқса, бугун долзарб. Чунки халқаро муносабатларда қоидалар танлаб қўлланиши ва куч сиёсати қайтиши ҳақидаги эътирозлар кўпаймоқда. Ўзбекистон каби давлат учун умумий қоидалар ишлаши принципиал аҳамиятга эга.

Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсати учун устувор минтақа. Тўғри, БМТ минбарида ҳар қандай давлат вакили катта ғоялар айтиши мумкин. Аммо ғоянинг қадри уни ҳаёт тасдиқлаганида ортади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг очиқлик ва мулоқот ҳақидаги тезислари учун энг кучли мисол — Марказий Осиёнинг ўзи.

Бундан ўн йил олдин минтақада ҳал этилмаган муаммолар ҳақида кўп гапирилар ди. Бугун манзара бошқача. Муаммолар бутунлай йўқолиб кетгани йўқ. Аммо уларни ҳал қилишнинг сиёсий маданияти ўзгарди. Аввал “менинг манфаатим” ёндашуви устун бўлган масалаларда тобора “умумий манфаат” тушунчаси пайдо бўлди. Буни сиёсатшунослик тилида минтақавий ишонч капитали ўсиши деб аташ мумкин. Уни пул билан сотиб олиб бўлмайди. У йиллар давомида мулоқот, келишув, ўзаро ҳурмат ва бажарилган ваъдалар орқали шаклланади.

Минтақадаги бу янги сиёсий муҳит, аввало, Президентимизнинг яхши қўшничиликни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган қатъий сиёсий иродаси билан боғлиқ. Чегаралар, савдо, транспорт, сув ва инсонлар ўртасидаги алоқаларга доир йиллар давомида тўпланган масалалар мулоқот ва ўзаро манфаат асосида ечим топа бошлади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг муштарак саъй-ҳаракатлари эса бу жараённи минтақавий тенденцияга айлантирди. Ана шу натижа БМТ минбарида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ишончли далили сифатида очиб берилди: мамлакат дунёга назарий чақириқ билан чекланмай, ўз минтақасида самара берган тажрибани таклиф қилмоқда.

Президент Администрацияси раҳбари нутқида Афғонистон мавзуси ҳам аниқ, вазмин ва прагматик руҳда кўтарилди. Ўзбекистоннинг бу масаладаги позицияси хавфсизлик билан инсонпарварликни, миллий манфаат билан минтақавий масъулиятни бир нуқтада уйғунлаштириши билан аҳамиятли экани таъкидланди. Нутқда Афғонистонга муносабатни таҳдидлар доирасига тор кўламда боғлаб қўймай, уни тинчлик, иқтисодий боғлиқлик ва минтақавий барқарорлик нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлиги аниқ ва равшан баён этилди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда афғон халқини иқтисодий ва минтақавий жараёнларга кенг жалб қилиш, транспорт, савдо, энергетика ва инфратузилма орқали тинч ҳаётга манфаатдорлик муҳитини кучайтириш ғоясини изчил илгари сурмоқда. БМТ минбаридан бу позициянинг яна бир бор ифода этилгани мамлакат ташқи сиёсатининг принципиал изчиллигини кўрсатди.

Бу ёндашув замирида аниқ геосиёсий ва иқтисодий мантиқ бор. Афғонистон Ўзбекистоннинг жанубий қўшниси. У ердаги тинчлик миллий хавфсизлик, транспорт, савдо, энергетика ва бутун Марказий Осиёнинг жанубий денгиз йўлларига чиқиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Шу боис, Ўзбекистон учун Афғонистон тинчлиги ҳам инсоний, ҳам стратегик аҳамият касб этади.

Нутқда ана шу мураккаб масала қисқа, аммо мазмунан теран формула билан ифодаланди: **барқарор Афғонистон — барқарор ва ўзаро боғланган Марказий Осиёнинг муҳим шарти.**

Ўзбекистоннинг БМТ минбарида энг изчил ва оғриқ билан кўтариб келаётган масалаларидан бири — Орол тақдири. Орол халқимиз хотирасида қуриб бораётган денгиз манзарасидан анча кенг маъно касб этади. У миллионлаб инсонлар ҳаёти, саломатлиги, иқлим, ер ва келажак билан боғлиқ улкан экологик ва гуманитар дарддир. Шу сабаб БМТ минбарида Орол ҳақида айтилган ҳар бир сўз ортида бутун бир минтақанинг кечмиши ва эртаси туради.

БМТ сессиясида бу оғриқ халқаро аудиторияга таъсирчан ва масъулиятли оҳангда етказилди. Орол фожиаси инсон қарорларининг табиат ва жамият тақдирига қандай оғир таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатган глобал сабоқ сифатида талқин этилди. Айни пайтда Ўзбекистон Оролбўйини фожиа рамзи ҳолатида қолдирмай, экологик инновациялар, “яшил” технологиялар ва янги ечимлар синовдан ўтадиган ҳудудга айлантириш мақсадини илгари сурди.

Бу мақсад янги Ўзбекистон экологик дипломатиясининг муҳим белгисига айланмоқда: оғриқни дунёга эшиттириш билан бирга, ечим таклиф қилиш, муаммони кўрсатиш билан бирга, келажакка йўл очиш. Орол масаласининг БМТ минбарида ана шундай руҳда кўтарилиши мамлакатнинг глобал экологик кун тартибидаги овози салмоғини янада оширди.

Цивилизацион ўзлик

Бугун дунё технологияга тобора кўп суянмоқда. Сунъий интеллект иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, давлат бошқаруви ва ахборот маконини тез ўзгартирмоқда.

БМТ минбарида сунъий интеллект ва рақамлашув инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик, тенг имконият ва масъулият тамойилларидан ажралмаслиги зарурлиги таъкидланди. Бу фикрнинг сиёсий-фалсафий қиймати катта. Чунки XXI асрда давлатлар қудрати фақат ҳудуд, хомашё ёки ҳарбий салоҳият билан белгиланмайди: маълумот, алгоритм ва технологияни инсон манфаатларига йўналтира олиш ҳам муҳим мезонга айланмоқда.

Шу маънода, “технология инсон учун” деган ёндашув янги Ўзбекистон сиёсатидаги инсон қадри ғоясининг рақамли даврга кўчишидир. Тараққиётнинг ҳақиқий қадри техник имкониятлар кўпайиши баробарида, улар инсоннинг ҳуқуқи, эркинлиги ва ҳаётий имкониятларини қай даражада кенгайтириши билан белгиланади.

Нутқда алоҳида аҳамиятли яна бир жиҳат бор. Бу Ўзбекистоннинг цивилизацион ўзлигини замонавий ташқи сиёсат билан боғлашга ҳаракат қилинганидир. Тошкентда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ислом цивилизацияси маркази тилга олинди. У ўтмиш ёдгорликларини намойиш этадиган маскан доирасидан анча кенг — билим, тафаккур, маърифат ва цивилизациялар мулоқоти маркази сифатида талқин этилди. Ўзбекистон маданиятлар ва динлараро мулоқот, маърифат ва бағрикенгликни ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорликни давом эттиришини билдирди.

Мана шу ерда нутқнинг яна бир қимматли жиҳати очилади. Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона ва Термиздан асрлар давомида дунёга илм, маърифат, давлатчилик маданияти ва бағрикенглик нурини тараттан юрт бугун ўз тарихий ворисийлигини замонавий тараққиёт, очиқлик, инновация ва инсон қадри билан уйғунлаштиришга интилмоқда. Бу — маданий хотиранинг замонавий ташқи сиёсат тилида ифода топишидир.

Шу жиҳатга алоҳида эътибор бериш зарур. Бугун мамлакатнинг халқаро обрўси фақат унинг иқтисодий кўрсаткичи билан қурилмайди. Дунё ҳамжамияти давлатни маданияти, илмий мероси, қадриятлари, инсонга муносабати ва бошқа халқлар билан қандай мулоқот қила олиши орқали ҳам қабул қилади. Халқаро муносабатларда бу “юмшоқ куч” дейилади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги ресурси беқиёс. Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк зотлар бир халқнинг фахри доирасига сиғмайди. Улар жаҳон тафаккури тарихининг бир қисми. Лекин тарихий мероснинг ўзи автоматик равишда юмшоқ кучга айланмайди. Уни ўрганиш, замонавий тилда тақдим этиш, ёш авлод билан боғлаш ва дунёга етказиш керак.

Ислом цивилизацияси марказининг БМТ минбарида тилга олиниши маданий мавзунинг ўзи билан чекланмайди. Бу Ўзбекистоннинг ўзини дунёга қандай мазмунда тақдим этаётганини кўрсатади: жаҳолатга қарши маърифатни, низога қарши мулоқотни, нафратга қарши билимни илгари сурадиган цивилизация ворислари сифатида.

Тарихий масофага назар ташласак, Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий овози босқичма-босқич янги мазмун касб этганини кўрамиз. 1992 йилда БМТ аъзолиги мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш учун ҳуқуқий асос бўлди. 2017 йилда очиқлик ва яхши қўшничиликка таянган янги ташқи сиёсий йўналиш равшан ифодаланди. 2023 йилда глобал ишонч инқирозига доир огоҳлантиришлар янгради. 2026 йилда эса халқаро ҳуқуқ, БМТ ислоҳоти, минтақавий хавфсизлик, экология, сунъий интеллект ва инсон қадри масалалари Ўзбекистоннинг яхлит позицияси сифатида тақдим этилди.

Бу жараённинг моҳияти биргина дипломатик фаолликнинг ўсишида эмас. Мамлакатимизнинг халқаро муносабатларга ёндашувида ҳам сифат ўзгариши намоён бўлмоқда: Ўзбекистон ўз манфаатларини аниқ ифода этган ҳолда турли давлатлар билан тенг шериклик, ўзаро ҳурмат ва манфаатлар мувозанатига асосланган алоқаларни ривожлантиришга интилмоқда.

Йирик куч марказлари ўртасидаги рақобат кучайгани сари кичик ва ўрта давлатларнинг мустақил сиёсий манёвр имкониятлари торайиши мумкин. Бундай шароитда миллий манфаатни йўқотмаслик, турли томонлар билан мулоқотни сақлаш ва ҳеч бир ҳамкорликни бошқасига қарши қўймаслик алоҳида дипломатик маҳоратни талаб этади. Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати айнан шу мураккаб мувозанатни сақлашга қаратилган. **БМТ минбаридаги позициянинг стратегик мазмунини ҳам шу нуқтаи назардан баҳолаш лозим.**

Давлат позициясининг кучи

Ўзбекистон номидан БМТ Бош Ассамблеяси минбарида сўзлаш юксак сиёсий ва дипломатик масъулиятни талаб этади. 81-сессияда бу масъулият Президент Администрацияси раҳбари зиммасига тушди. Нутқнинг сиёсий аҳамияти, аввало, миллий манфаатга таянган давлат позициясини халқаро аудиторияга тушунарли, вазмин ва ишончли тарзда етказилишида намоён бўлди.

Бу ерда масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор: давлат позициясининг кучи унинг сабаблари ва амалий натижалари билан асосланишидадир. Марказий Осиёдаги ўзгаришлар яхши қўшничилик сиёсатининг амалиёти сифатида, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар инсон қадри мезони билан, БМТни такомиллаштириш таклифлари эса глобал бошқарувда адолат ва самарадорлик зарурати билан боғланди. Ана шу боғлиқлик нутққа яхлит сиёсий мантиқ бағишлади.

Бош Ассамблеяда айтилган ҳар бир сўз мамлакат номидан янграйди. Уни давлатлар делегациялари тинглайди, дипломатик доиралар таҳлил қилади, халқаро жамоатчилик баҳолайди. Шунинг учун сўзнинг аниқлиги, оҳангнинг вазминлиги ва миллий манфаатнинг равшан ифодаси ташқи сиёсий мулоқотнинг муҳим шартидир. Нутқдаги очиқлик, инсон қадри ва халқаро ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар шу мезонлар асосида ўзаро боғланди.

Нью-Йоркдаги БМТ залида Ўзбекистон номи ёзилган жой бор. У ерда янграган ҳар бир овоз ортида мамлакатимизнинг тарихи ва эртаси, Самарқанддаги устоз, Фарғонадаги деҳқон, Қорақалпоғистондаги оила, Тошкентда изланаётган ёш тадбиркор ва хорижда меҳнат қилаётган ватандошнинг тақдири туради. Давлат сиёсатининг охирги мезони ана шу инсонларнинг тинчлиги, қадр-қиммати ва келажагидир. БМТда янграган инсон қадри ғояси мамлакатнинг ички ислоҳотлари билан ташқи сиёсатини бирлаштирувчи тамойил сифатида ҳам аҳамиятли.

Хулоса

БМТ минбарида янграган ҳамма нутқ ҳам тарихга киравермайди. Айримлари кундалик сиёсат билан бирга унутилади. Айримлари эса давлатнинг муайян даврда ўзини қандай англагани ҳақидаги ҳужжатга айланади.

Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси 81-сессиясида янграган овози ана шундай мазмунга эга. Нутқда мамлакатнинг қандай дунёни исташи, глобал жараёнларга қайси принциплар асосида ёндашиши ва халқаро ҳамжамиятда қандай масъулиятни зиммасига олишга тайёр экани яхлит сиёсий мантиқда ифода этилди.

Биз очиқлик тарафдоримиз. Биз яхши қўшничилик тарафдоримиз. Биз ҳар бир давлат овози эшитиладиган халқаро тизим тарафдоримиз. Биз халқаро ҳуқуқ барча учун бир хил ишлашини истаймиз. Биз инсон қадрини давлат сиёсатининг мезони деб биламиз. Биз тарихимиздан келажакка куч оламиз. Биз технологияни инсонга хизмат қилдиришни истаймиз. Биз Орол фожиасидан дунё учун экологик сабоқ чиқаришга ҳаракат қиламиз. Биз Афғонистонда тинчлик бўлишини ўз манфаатимиз деб биламиз. Биз Марказий Осиёни тараққиёт ва ҳамкорлик маконига айлантириш мумкинлигига ишонамиз.

Ўзбекистоннинг БМТ минбарида янграган овозининг асосий мазмуни мана шу. Унинг қиймати шундаки, у бир вақтлар дунёга илм, маърифат ва тафаккур тарқатган тарихий юртнинг бугун ўз буюк меросига суяниб, замонавий давлатчилик, очиқлик, тараққиёт ва инсон қадри орқали жаҳон билан янги мазмунда мулоқотга киришаётганини кўрсатди.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини мустақил белгилаш, ҳамкорлик йўналишларини суверен танлаш ва глобал жараёнларга ўз қарашини очиқ билдиришга қодир, ўз сўзи ва сиёсий иродасига эга кучли давлат сифатида майдонга чиқмоқда.

2026 йил сентябрда Нью-Йоркда ана шу сўз яна бир бор янгради. Унинг мазмунида тарихий хотира, ортга қайтмас ислоҳотлар, бугунги мураккаб дунёдан хавотир ҳам, келажакка ишонч ҳам, энг муҳими, Ўзбекистоннинг ўз тақдири ва ўз йўли учун масъулиятни зиммасига олаётган давлат сифатидаги позицияси бор эди.

Дунё қанчалик нотинч бўлмасин, ташқи босимлар қанчалик кучаймасин, геосиёсий шамоллар қайси томондан эсмасин, миллий манфаатини билган, халқининг қадрини устувор қўйган ва ўз сўзига эга давлат йўлини йўқотмайди. Янги Ўзбекистоннинг БМТ минбарида янграган позицияси, энг аввало, ана шу ишончнинг ифодаси бўлди.

Бугун берилаётган кўмак оилани қишки харажат босимидан асраса, энергия тежамкорлиги келгуси тўловларни камайтиради, энергетикадаги самарадорлик эса бутун тизимнинг имкониятини кенгайтиради. Шу тарзда қисқа муддатли ёрдам аста-секин узоқроқ таъсирга эга иқтисодий механизмга айланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 11 ноябрь, 234-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Тараддуд

Куз-қиш мавсуми: ХОНАДОНЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА?

Қиш яқинлашгани сари оилаларнинг харажати ҳам орта бошлайди. Иситиш ускунаси кўпроқ ишлайди, электр ҳисоблагич тез айланади, газ ва кўмирга эҳтиёж ортади. Даромади етарли оила учун бу қўшимча мавсумий чиқим бўлиши мумкин. Бироқ рўзғорини зўрға тебратаётган хонадонда шу харажатнинг ўзи озиқ-овқат, дори-дармон ёки боланинг эҳтиёжи учун ажратилган маблағ билан рақобатлаша бошлайди.

Айниқса, газлаштирилмаган ёки газ тармоғи етиб бормаган ҳудудларда қишнинг иқтисодий юки янада яққол сезилади. Бундай хонадон иситиш учун электр энергиясига кўпроқ мурожаат қилади. Демак, совуқ кучайган сари энергия сарфи, у билан бирга коммунал тўлов ҳам ортади.

Бу йилги куз-қиш мавсуми масаласига кенгроқ иқтисодий манзарадан қарашга ҳам тўғри келади. Дунё бозорларидаги беқарорлик, геосиёсий кескинлик, энергия ресурслари ва хомашё нархларининг ўсиши, таъминот занжирларидаги узилишлар мамлакатлар иқтисодиётига босим ўтказмоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлат учун аҳоли даромадини сақлаш билан бирга унинг асосий харажатларини юмшатиш ҳам муҳим вазифага айланади.

6 октябрь куни давлатимиз раҳбари куз-қиш мавсумида аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди. Унда электр энергияси, газ, кўмир ва коммунал хизматлар бўйича амалдаги қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўриб чиқилди.

Қишки харажатлар барча оилаларга бир хил таъсир қилмайди. Шу боис, ёрдам ҳам ҳар бир хонадоннинг имконияти ва эҳтиёжига қараб йўналтирилиши керак. Масалан, газлаштирилмаган ҳудудларда электр энергиясининг базавий меъёрини иситиш мавсумида 200 киловатт-соатдан 350 киловатт-соатга ошириш таклиф қилинмоқда. Бу ерда 150 киловатт-соатлик фарқни оддий рақам сифатида қабул қилиш тўғри бўлмайди. Қишда электр иситгичи, электр қозони ёки бошқа иситиш қурилмасидан фойдаланадиган хонадон учун бу қўшимча меъёр совуқ кунлардаги эҳтиёж билан оила имконияти ўртасидаги тафовутни қисқартиришга хизмат қилади.

Яъни давлат томонидан белгиланаётган меъёр ҳаётдаги реал шароитга мослаштирилмоқда. Қишда энергия истеъмоли ёздагидек қолмаслиги аён. Шунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми ҳам мавсумнинг ўзига хослигини ҳисобга олиши керак.

Бу ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати — ёрдам доирасини кенгайтириш. Ижтимоий реестрга кирмаган, лекин амалда коммунал харажатларни қоплашда қийналаётган оилалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги кўзда тутилмоқда. Оила аъзосига тўғри келадиган даромад мезонини 1 миллион 430 минг сўмгача ошириш таклифи натижасида қўшимча 166 минг оила қўллаб-қувватлаш қамровига кириши мумкин. Бу юз минглаб хонадон, юз минглаб кундалик эҳтиёж дегани. Кимнингдир қишки электр тўлови енгиллашади, кимдир кўмир харидини осонроқ қоплайди, яна бир оила коммунал қарздорликка тушиб қолмасдан ойлик бюджетини бошқа зарур харажатларга тақсимлай олади. Рақамнинг ижтимоий мазмуни ана шу оддий ҳаётий ҳолатларда кўринади.

Қишки харажатни енгиллаштиришда бир марталик ёрдам ҳам ўз ўрнига эга. Декабрь ойида эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам ажратиш масаласининг кўриб чиқилиши шу мақсадга хизмат қилади. Чунки йил охирида оила бюджетига бир вақтнинг ўзида бир нечта босим тушади: иситиш харажатлари ортади, кундалик эҳтиёжлар сақланиб қолади, айрим хонадонларда дори-дармон ёки таълим билан боғлиқ қўшимча сарфлар ҳам пайдо бўлади. Бундай пайтда бир марталик ёрдам оила учун қийин мавсумни енгилроқ ўтказиш имкониятидир.

Бироқ ижтимоий ҳимояни фақат пул ажратиш билан ўлчаш масаланинг ярминигина кўрсатади. Хонадоннинг энергия учун қанча тўлаётгани билан бирга нима сабабдан шунча энергия сарфлаётганини ҳам кўриш керак. Совуқни ушлаб қолмайдиган уй, эски дераза, самарасиз иситиш қурилмаси ёки иссиқликни йўқотадиган том — буларнинг ҳар бири электр ҳисоблагичда қўшимча рақам пайдо қилади. Шу нуқтаи назардан, оғир шароитдаги маҳаллаларда 3000 хонадонни иссиқлик жиҳатидан ҳимоялаш ва энергия тежовчи ускуналар билан таъминлашга қаратилган ишлар алоҳида аҳамият касб этади.



Бир оилага бугун электр тўловининг бир қисмини қоплаш қишки харажатни енгиллаштиради. Уйнинг иссиқлик самарадорлигини ошириш эса энергия сарфини камайтириб, оила бюджетига тушадиган юкни пасайтиради. Шу боис, ижтимоий ҳимояда ҳозирги эҳтиёжни енгиллаштириш билан бирга хонадоннинг келгуси харажатларини ҳам ҳисобга олиш муҳим.

Бу ёндашув электр энергияси ва газ бўйича базавий меъёрдан ортиқ истеъмол харажатларининг бир қисмини қоплаш муддатини 2028 йил 1 апрелгача узайтириш таклифида ҳам акс этмоқда. Бир йилда 470 минг оилани қамраб олиши кўзда тутилган мазкур механизм қишки мавсумда энергия учун сарфланадиган маблағни режалаштиришда хонадонларга қўшимча имконият беради.

Бироқ 470 минг оила деганда фақат катта рақамни эмас, турли шароитда яшаётган минглаб хонадонларни тасаввур қилиш керак. Бир уйда электр иситиш асосий манба бўлса, бошқасида газ ёки кўмирга эҳтиёж юқори. Кимнингдир даромади коммунал тўловни осон қоплайди, яна бир оила учун шу харажат ойлик бюджетнинг салмоқли қисмини эгаллайди. Шунинг учун қамровнинг кенглиги билан бир қаторда, ёрдамнинг айнан эҳтиёжи юқори хонадонга етиб бориши ҳам унинг самарасини белгилайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ёрдам маблағларини ўз вақтида йўналтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда манзиллиликни таъминлаш ва кўмакнинг ҳар бир хонадонга етиб бориши устидан назоратни кучайтириш вазифасини белгилади. Зеро, ёрдам ҳақиқий эҳтиёжманд оилага ўз вақтида етиб бориб, қишки коммунал тўловлар ёки иситиш харажатларининг бир қисмини қопласа, унинг ижтимоий самараси амалда намоён бўлади. Бунда аҳолининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Айниқса, табиий газ тармоғи етиб бормаган ҳудудларда суюлтирилган газ хонадонларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлашда муҳим манба ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда қарийб 3,8 миллион фуқаро ва 2 мингга яқин ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газдан фойдаланади. Жорий йилда уларнинг эҳтиёжи учун 604 минг 800 тонна газ етказиб бериш режалаштирилган. Бундай кўламдаги эҳтиёжни қондириш нафақат етарли ресурс ажратишни, балки уни ўз вақтида етказиб бериш, таъминотдаги узилишларни камайтириш ва хизматлар сифатини оширишни ҳам талаб этади. Шу мақсадда Президентимизнинг 2026 йил 12 сентябрдаги "Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таъминот тизимини такомиллаштириш, жараёнларни рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига манзилли компенсация ажратиш механизмларини жорий этиш назарда тутилган. Бу чоралар бир томондан газ етказиб бериш самарадорлигини оширишга, иккинчи томондан эса ёрдамга муҳтож хонадонларнинг харажатларини енгиллаштиришга қаратилган.

Юқорида аҳолининг совуқ кунларни енгиб ўтиши, хонадонларда иссиқликни таъминлаш учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталдик. Қишни иссиқ уйда, оила даврасида, хотиржам ўтказишга нима етсин. Аммо бу мавсумда ҳар биримизнинг энг муҳим қуролимиз ҳушёрлик ва эътибор бўлиши керак. Бежизга "Фалокат оёқ остида" дейишмайди. Биргина эътиборсизликнинг қандай қимматга тушаётганини ижтимоий тармоқларда тарқалаётган аянчли хабарлардан ҳам кўриб турибмиз. Айниқса, кўзга кўринмас ва ҳидсиз ис гази сабаб бутун оилалар жабр кўраётгани, айрим ҳолларда инсонлар ҳаёти хавф остида қолаётгани барчамизни жиддий ўйлантириши лозим. Озгина маблағни тежаш илинжида қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиш, носоз қурилмаларни таъмирламасдан ишлатиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Афсуски, бундай "тежамкорлик"нинг бадалини баъзан бутун оила тўлашга мажбур бўлади.

Шунинг учун иситиш тизимини танлаш ва ундан фойдаланишда мутахассислар маслаҳатига таяниш, хавфсизлик талабларига бепарво бўлмаслик зарур. Газ ускуналарининг созлигини текширтириш, мўри ва дудбуронларни тозалаш, хонада ҳаво алмашинувини таъминлаш оддий талабдек кўриниши мумкин. Айнан шу чоралар инсон ҳаётини асраб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Газ плитасида хонани иситиш, қўлбола ёки носоз иситиш мосламаларидан фойдаланиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ис гази ҳидсиз ва рангсиз бўлгани учун уни сезиш қийин. Бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши ва ҳолсизлик каби аломатлар кузатилса, дарҳол тоза ҳавога чиқиш, яқинларни хавфли ҳудуддан олиб чиқиш ва 103 рақами орқали тез тиббий ёрдам чақириш лозим. Газ ҳиди сезилганда электр чироқларини ёқиш ёки ўчириш, очиқ оловдан фойдаланиш мумкин эмас. Хонани шамоллатиб, хавфсиз жойдан 104 рақами орқали авария хизматига хабар бериш зарур. Қишни осойишта ўтказиш учун уйни иситишнинг ўзи кифоя эмас, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам ҳар биримизнинг масъулиятимиздир.

Шу ўринда яна бир кичик мулоҳаза. Газни харид қилиш, ташиш ва истеъмолчиларга белгиланган нархларда етказиб бериш, шунингдек, аҳолига компенсация ажратиш давлат бюджети учун муайян харажатларни талаб қилади. Шу боис, ижтимоий ҳимоя чораларининг самарадорлиги нафақат ёрдамнинг манзиллилигига, балки энергия тизимидаги харажатларни мақбуллаштириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва таъминотдаги йўқотишларни камайтиришга ҳам боғлиқ.

Энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришдаги ҳар бир ортиқча харажат ёки тармоқдаги йўқотиш охир-оқибат тизимнинг умумий самарадорлигига таъсир қилади. Шунинг учун энергия корхоналарини трансформация қилиш, бошқарув сифатини ошириш ва тармоқлардаги йўқотишларни қисқартириш аҳолига кўмак бериш билан бир қаторда, уни таъминлайдиган иқтисодий асосни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ресурс қанчалик тежамли ишлатилса, тизим шунчалик кам харажат билан ишлайди. Харажатлар мақбуллашгани сари эса мавжуд ресурсларни самаралироқ тақсимлаш имкони пайдо бўлади. Шу маънода, энергетикадаги самарадорликни ошириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бир-биридан алоҳида вазифалар эмас. Бири тизимнинг имкониятини кенгайтирса, иккинчиси ана шу имкониятни инсон манфаатига йўналтиради.


Шу нуқтада қишки мавсум учун белгиланаётган чораларнинг кенгроқ мазмуни намоён бўлади. Масала фақат коммунал тўловни енгиллаштириш ёки бир марталик ёрдам билан чекланмайди. Аҳоли харажатини камайтириш, кўмакни ҳақиқий эҳтиёжмандга етказиш, уй-жойларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва энергетика тизимидаги йўқотишларни қисқартириш ўзаро боғланган ягона жараённи шакллантиради.

Бугун берилаётган кўмак оилани қишки харажат босимидан асраса, энергия тежамкорлиги келгуси тўловларни камайтиради, энергетикадаги самарадорлик эса бутун тизимнинг имкониятини кенгайтиради. Шу тарзда қисқа муддатли ёрдам аста-секин узоқроқ таъсирга эга иқтисодий механизмга айланади.

Охир-оқибат, бу жараённинг самараси хонадон ҳаётида намоён бўлади: оила қишни ортиқча қарздорликсиз ўтказса, фарзандлар иссиқ уйда таълим олса, кекса инсон коммунал тўловдан хавотир олмаса, рўзғор даромадининг бир қисми бошқа зарур эҳтиёжларга қолса яратилган имкониятлар ўзининг энг муҳим вазифасини бажарган бўлади. Хонадондаги хотиржамлик, оила бюджетидаги енгиллик бунинг аниқ ифодасидир.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Шарҳ



СУВ ОМБОРЛАРИ АТРОФИДА

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АСОСИЙ МЕЗОН – ХАВФСИЗЛИК

Йигирма биринчи асрда инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Чунки сув тежамкорлиги тараққиётнинг муҳим омили. Иқлим ўзгариши, аҳоли сони ўсиши ва жамият эҳтиёжлари ортиб бориши сув масаласига янада пухта ва тизимли ёндашувни талаб этмоқда.

Бугун сув шунчаки ресурс эмас, унга стратегик бойлик сифатида қаралмоқда. У барча тирик жон учун муқобили йўқ бебаҳо неъмат. Шу билан бирга, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Хусусан, сув омборлари сув ресурсларини тўплаш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг атрофида туризмни ривожлантириш имконияти катта. Аммо бундай ҳудудларда дам олиш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этишда экологик талаблар ҳамда, энг муҳими, одамлар хавфсизлиги устувор бўлиши зарур.

Президентимизнинг жорий йил 27 октябрдаги "Сув омборлари ва уларга туташ ҳудудлардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу мақсадларга қаратилган.

Ҳужжат сув омборлари атрофида хавфсиз туризм ва сервисни ривожлантириш, инвесторлар учун шароит яратиш ҳамда замонавий қутқарув ва назорат тизимларини жорий этишни назарда тутади.

Қарорга кўра, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари икки ой ичида туристик салоҳиятга эга сув омборлари атрофидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ерларда туризмни ривожлантириш бўйича мастер-режалар тайёрлаш юзасидан Туризм қўмитасига таклиф киритади. Бу ишга мутахассис ва экспертлар жалб қилинади.

Фарғона вилояти Қува туманидаги Каркидон сув омбори атрофида ҳам янги қутқарув маркази қурилган, туризм ва савдо-кўнгилочар хизматлари йўлга қўйилган. Бу ерда аҳоли ва сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Каркидон сув омборида 650 миллиард сўм инвестиция ҳисобига 250 гектар майдонда ташриф буюрувчилар учун жозибадор хизматлар йўлга қўйилмоқда, — дейди Туризм қўмитаси бошқарма бошлиғи Жаҳонгир Саидов. — Бу ерда 20 та хизмат тури йўлга қўйилиб, 200 дан ортиқ иш ўрни очилади.

Келгуси йилдан мазкур сув омборида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус қутқарув отряди фаолияти учун давлат бюджети ҳисобидан қўшимча 36 та штат бирлиги ажратилади.

Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрель ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида мутасаддиларга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги сув омборларини хатловдан ўтказиб, юқори салоҳиятли масканларда сайёҳлар учун хавфсиз хизматларни йўлга қўйиш борасида топшириқлар берилган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш мақсадида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда республикадаги барча сув омборлари хатловдан ўтказилиб, тоифаланган сув омборларида хавфсиз хизматларни йўлга қўйиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Дастурга кўра, сув омборининг асосий фаолиятига халақит бермаган ҳолда хавфсиз туризм хизматлари йўлга қўйилади. Бунда, аввало, туризм хизматлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, сув омбори ва унга туташ ҳудудларнинг муҳофаза зоналарига эътибор қаратилади.

Сув омборида хизматлар кўрсатишнинг асосий шарти бўлгани учун биринчи навбатда сув ости синчиклаб ўрганилади ва хавфлар бартараф этилади. Туризм хизматини йўлга қўйган тадбиркор хавфсизликни мажбурий шарт сифатида қабул қилади. Қолаверса, хизматларни ташкил этиш меъёрлари белгилаб берилади. Шунингдек, қутқарув жиҳозлари ва хизмати, кузатув миноралари мажбурий этиб белгиланмоқда. Ҳужжат бу борадаги аниқ йўналишларни белгилаб бераётгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Туризм қўмитаси ҳокимликлар таклифлари асосида мастер-режаларни ишлаб чиқиш жадвалини тасдиқлайди. Режаларда ҳудуднинг табиий шароити, йўл ва коммуникациялар, экология, санитария ҳамда хавфсизлик талаблари ҳисобга олинади.

Ҳудудларнинг туристик ва инвестициявий имкониятлари ОАВ ва рақамли платформаларда тарғиб этилади. Туроператорлар ва инвесторлар учун инфотурлар ҳамда тақдимотлар ташкил қилинади.

Тасдиқланган мастер-режалар асосида сув омборлари атрофидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари "E-auksion" платформасида савдога чиқарилади. Бу жараёнда ҳокимликлар, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ҳамкорлик қилади. Ҳокимларнинг туризм масалаларига масъул ўринбосарлари объектларни мастер-режалар ва шаҳарсозлик талаблари асосида ташкил этиш учун шахсан жавобгар бўлади.

Сув омборлари атрофида туризм хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиши шарт. Объектларда қутқарув қайиқлари, кузатув миноралари, сув чуқурлиги ва об-ҳавога оид огоҳлантирувчи белгилар, видеокузатув ҳамда сунъий интеллект технологиялари бўлиши лозим.

Мазкур технологиялар сувда чўкиш хавфи, тақиқланган ҳудудларга кириш ва одамларнинг оммавий тўпланишини аниқлаб, қутқарув хизматларига реал вақт режимида тезкор хабар бериш имконини яратади.

Қарорга мувофиқ, сув омборлари ва уларга туташ ҳудудларда электрон аукцион орқали ер участкалари ажратилган, туризм хизматларини ташкил этган тадбиркорлик субъектларига 2029 йил 1 октябрга қадар имтиёзлар берилади. Бунда юридик шахслар учун ер ва мол-мулк солиғи ставкалари белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида қўлланилади.

Сувда фойдаланиладиган GPS қурилмалар, қутқарув ва хавфсизлик анжомлари, замонавий санитария-гигиена шохобчаларини олиб киришда божхона тўловларини 120 кунга кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин бўлади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби бу борада ҳам малакали мутахассисларни тайёрлашни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Айни мақсадда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузуридаги қутқарувчиларни тайёрлаш техникумида дуал таълим асосида ғаввос-қутқарувчилар тайёрланади. Туризм объектлари ходимлари ва кўнгиллилар эса фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш ҳамда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқитилади.

Аҳоли ва сайёҳларни тезкор огоҳлантириш учун сирена, овозли хабар бериш қурилмалари, QR-кодли эвакуация хариталари ва SMS огоҳлантириш тизими босқичма-босқич жорий этилади. 2027 йил 1 июнга қадар сув омборларида сув сатҳи ва гидрологик ҳолатни онлайн кузатиш, фавқулодда вазиятларни барвақт аниқлаш, метеостанциялар ҳамда геоахборот тизимлари маълумотларини умумлаштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган электрон ахборот тизими ишга туширилади.

Сув омборлари атрофида туризмни ривожлантиришда асосий мезон — хавфсизлик. Шу маънода, мазкур ҳужжат янги хизматлар ва инвестицияларга йўл очиш билан бирга сув объектларини муҳофаза қилиш ва инсонлар ҳаётини асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 11 ноябрь, 234-сон

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тартибли меҳнат миграциясига муносабат тубдан ўзгарди. Илгари бу йўналишда 3 та давлат билан ишланган бўлса, ҳозир улар сони 27 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган йирик хорижлик иш берувчилар қарийб 400 тага кўпайди.

Таҳлил ва таққос

Шавкат Мирзиёев Президент бўлгунга қадар меҳнат миграцияси соҳаси мамлакатимизда очиқ муҳокама этиладиган, давлат сиёсати даражасида тан олинган ижтимоий муаммо ҳисобланмасди ва бу борада бирорта жиддий ҳужжат қабул қилинмаганди. Одамлар иш излаб хорижга кетаётган, уларнинг сони ортиб бораётган бўлса-да, бу жараённинг кўлами, хавф-хатари ва инсонлар тақдирига таъсири ҳақида расмий майдонда гапирилмасди. Давлат хорижда меҳнат қилаётган фуқаролари олдидаги бурчини бажармай, ўз ҳолига ташлаб қўйганди.



Асқар ҲАЙДАРОВ, журналист





МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

Шу соҳадаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишдан кейинги ўйлар

Турли мамлакатларга йўл олган одамлар нафақат иш топиш, балки ўз меҳнати учун ҳақ олишда чув тушиб қолмаслик ва йўлда фирибгарлар қўлига тушмай хавфсиз етиб бориш учун ҳам курашишга мажбур эди. Не-не инсонлар йўлда ҳаётдан кўз юмди, майиб-мажруҳ бўлди, топган-тутганидан айрилди. Оиласини боқиш учун йўлга чиққан инсон баъзан уйига қайтиш учун маблағ тополмай қолган ҳоллар ҳам бўлди.

Майли, булар узоқ ўлкаларда юз берган кулфатлар. Аммо ўша йилларда пойтахтга иш излаб келган айрим юртдошларимиз ҳам нафақат иқтисодий қийинчиликлар, балки ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясизликка ҳам дуч келди. Улар учун иш топишнинг ўзи етарли эмасди: қаерда яшаши, ҳужжатлари ва ўзи кимнинг қўлига тушиши ҳам кундалик ташвишга айланганди.

Туб бурилиш

Қачонки, давлат ўз фуқаросини “прописка” ёки “паспорт” орқали кўра бошласа, инсоннинг қадри унинг шахсиятидан эмас, ҳужжатидан изланади. Ҳолбуки, қоғоз одамнинг қадрини эмас, кимлигини тасдиқлайди, холос.

Президентимизнинг меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган йиғилишини кўриб, бу кунлар ортда қолганига тўла ишонч ҳосил қилдим. Ҳа, бугун ўша манзаралар тарихга айланди. Аммо инсонни муҳр ва рухсатнома орқали ажратиб қўйишдан туғиладиган жароҳат бизга доимо бир ҳақиқатни — давлатнинг вазифаси фуқарони рўйхатга олиш билан тугамаслигини эслатиб туриши керак. Унинг қадрини тан олиш, ҳуқуқини ҳимоялаш ва ўз юртида ўзини бегона ҳис қилмаслиги учун шароит яратиш давлатнинг масъулиятидир.

Ўша пайтларда миллионлаб одамлар чегарадан ўтар экан, ўзи билан фақат умидини олиб кетар, орқада эса Ватани, жигарлари ва қалбининг бир бўлагини қолдирарди. Кетиш масофа билан ўлчанар, аммо айрилиқни на масофа, на вақт билан ўлчаб бўларди.

Жамият уларга икки хил кўз билан қарарди. Бир томондан, мигрант оиланинг молиявий тиргаги, рўзғорини тебратувчи эди. Иккинчи томондан эса у давлат ва жамият ҳал этиши керак бўлган муаммоларни эслатиб турувчи, аммо кўпинча ёқимсиз статистикага айланиб қолган фуқаро эди.

Қишлоқлар ҳувиллаб қолган, кўчаларда ёшлар сийраклашган. Бу манзарани синфдошим мана бундай чизганида ичим музлаб кетганди: “Ошна, қишлоққа бориб келдим, тўй-маъракада ёш йўқ. Кўча-кўй бўм-бўш. Одамлар ҳатто тобут кўтарадиганлар камайиб бораётганидан хавотирга тушиб қолган...”. Бу гапларда оддий бир қишлоқ манзарасигина эмас, бутун бир даврнинг дарди мужассам эди.

Ўша пайтларда кимдир ўз юртида муносиб иш тополмагани, меҳнатига яраша ҳақ ололмагани, яна кимдир ўз олдига қўйган мақсадларига у ерда тезроқ эришиш мумкин деб ўйлагани учун йўлга чиқарди.

Баъзилар қишлоққа қайтиб, муҳожиратда топган пулига уй қурган, машина олган, фарзандларини ўқитган ёки тўй-ҳашам қилган танишларига қараб ўзларида ҳам шундай имконият бўлишига ишонарди. Бошқалар эса ўз юртидаги секин иқтисодий ўсишни кутишдан кўра, қисқароқ вақт ичида кўпроқ даромад топишни афзал биларди. “Чет элда ишласам, тезроқ оёққа туриб оламан”, деган умид кўпларни йўлга бошларди.

“Дангасалар!”. 2013 йили катта даврада янграган бу сўз меҳнат муҳожирларига ўша пайтда берилган баҳо эди. Улар дангаса эмас, ўз ҳаётини яхшилашга, барқарор даромад топишга, фарзандларига яхшироқ шароит яратишга орзуманд инсонлар эди. Улар узоқдаги меҳнати самараси яқинларининг ҳаётида намоён бўлишини хоҳларди.

“Чет элда ишлаётган ҳар бир юртдошимиз — оиласининг ризқи, фарзандлари келажаги учун тинимсиз меҳнат қилаётган ҳақиқий мард инсонлар. Улар ҳам бизнинг фуқароларимиз, бизнинг фарзандларимиз”, деди йиғилишда Президентимиз.

Муаммони тан олиш — биринчи қадам

Одамлар ватандан йироқда эди. Улар мушкул дамларда ўзини паноҳига олиши керак бўлган давлатнинг ҳимоясини сезмас, бегона юртдаги ташвишларини кимга айтишни билмай изтироб чекарди. Шунга қарамай, уларнинг кўнгиллари қатида давлат адолатига умид милтилларди. Ишонч ҳам нонга ўхшайди: инсон унинг қадрини баъзан етишмаганда чуқурроқ ҳис этади. Узоқдаги фарзанди ёки кекса ота-онаси учун ўзларини қўлга олишга, қийинчиликларга чидашга ҳаракат қилишарди.

Фуқаролик фақат паспортдаги ёзув эмас. У инсон ва давлат ўртасидаги ишонч риштасидир. Бу ришта тинч кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам узилмаслиги керак. Давлатнинг масъулияти ҳам айнан шу ерда намоён бўлади: инсоннинг манзили ўзгариши мумкин, аммо унинг ҳуқуқи ва қадр-қиммати ўзгармаслиги керак.

Давлат раҳбарининг халқ олдидаги вазифаси мамлакатни бошқариш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ёки халқаро майдонда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билангина чекланмайди. Унинг зиммасида фуқаролар тақдирига бефарқ бўлмаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масъулияти ҳам бор. Айниқса, ризқ излаб Ватанни тарк этган, бегона юртда меҳнати билан оиласини боқаётган элдошлар тақдири бу масъулиятни янада яққол намоён этади.

Меҳнат муҳожирлиги шу маънода давлат сиёсати учун ўзига хос синовдир. У мамлакатдаги иш ўринлари, даромадлар ва касбий имкониятлар билан боғлиқ муаммоларни ҳам намоён этади. Айни пайтда у давлатнинг ўз фуқароларини қай даражада қадрлаши ва уларнинг тақдирига қанчалик дахлдор эканини кўрсатади.

Хорижда ватандошнинг ҳақи берилмай қолса, у алданса, касал бўлса ёки оғир вазиятга тушиб қолса, бу фақат унинг шахсий муаммоси бўлиб қолмаслиги керак. Унинг ортида оиласи, фарзандлари, кутувчилари бор.

Хорижда узоқ йиллар яшаш инсоннинг ўз жамияти билан алоқаларини сусайтиради. Инсон йиллар давомида ўз юртидан узоқда яшаб, унинг ҳар бир янгилигини кузатади, тилини, урф-одатларини, қариндош-уруғларини соғинади. Аммо ўзини бугунги ҳаётнинг тўлақонли иштирокчиси эмасдек ҳис эта бошлайди.

Бундай инсонни жамият бағрига қайтариш уни чегарадан ўтказиш ёки доимий манзилига етказиш билан ҳал бўладиган вазифа эмас. Унинг тажрибасини тан олиш, меҳнатига муносиб шароит яратиш, фарзандлари таълими ва оиласи фаровонлиги ҳақида қайғуриш ҳам керак.

Йиғилишда шу ҳақда гап борди. Хорижда муаммога дуч келган ватандошларимиз энди ёрдам сўраб “Онлайн маҳалла” платформасида хабар қолдира олади. Зарур ҳолларда элчининг ўзи фуқаро олдига бориб, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилади ва муаммосига ечим топиш билан шуғулланади.

Ҳокимлар олдига хорижда ишлаётганларнинг оиласи ва ота-онаси фаровон ҳаёт кечириши, фарзандлари яхши таълим олиши учун шароит яратиш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир ватандошимиз қаерда бўлмасин, ортида уни қўллаб-қувватлайдиган Ватани борлигини ҳис қилиб яшаши кераклигини таъкидлади.

Меҳнат муҳожирлигининг иқтисодий томонини инкор этиб бўлмайди. Хорижда ишлаётган ватандошлар юборган маблағ кўплаб оилаларнинг кам-кўстига ярайди, болалар таълимига, уй-жой қурилишига, кундалик эҳтиёжларига сарфланади. Бу маблағлар ички бозордаги савдо ва хизматларга ҳам таъсир кўрсатади. Шу маънода, мигрант фақат ўз оиласини боқувчи эмас, балки мамлакат иқтисодий ҳаётининг ҳам иштирокчисидир.

Шунинг учун унинг меҳнати қадрланиши шарт. Йиғилишда Президентимиз бу ҳақда гапириб, **“Уларнинг хориждаги иш стажи Ватанга қайтганидан кейин ҳисобга ўтиши, айниқса, пенсия тайинлашда бу албатта инобатга олиниши зарур”,** деди.

Мигрантлар тақдирига оид ҳужжатлар силсиласи, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва ижтимоий кўмагига эътибор қаратилиши давлат бу муаммони кун тартибига олиб чиққанини кўрсатади. Бироқ ҳужжатлар



сони ўз-ўзидан ғамхўрликнинг тўлиқ мезони бўла олмайди. Муҳими, улар инсон ҳаётида қандай натижа беряпти: ҳуқуқи бузилган фуқаро ҳимоя топяптими, қийин аҳволга тушган инсон ёрдам оляптими, хориждан қайтган киши ўз тажрибаси ва меҳнати билан юртида муносиб ўрин эгаллаяптими?

Давлат сиёсатидаги ҳақиқий бурилиш ҳам ана шу саволларга амалий жавоб излашдан бошланади. Муаммони тан олиш — биринчи қадам. Унинг кўламини англаш, инсонларнинг эҳтиёжларини эшитиш ва уларни ҳал қилиш механизмларини яратиш эса кейинги қадамлардир.

Фуқаро давлатдан ҳимоя ва адолат кутса, давлат ҳам унга ўз юртида меҳнати билан қадр топиш, қобилиятини намоён этиш ва келажагини қуриш имконини бериши керак. Ана шунда хорижга кетиш фожиа ёки чорасизликдан туғилган мажбурият эмас, инсоннинг онгли танловларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ниятдан амалга

Инсон бегона мамлакатга бориб, маҳаллий тилни билмаса, меҳнат қонунчилигидан хабардор бўлмаса, иш берувчининг талабларини тушунмаса, энг оддий ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиши қийинлашади. Бир қарашда оддий туюлган бу тўсиқлар баъзан унинг ойлик маошидан маҳрум бўлишигача олиб келиши, соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Демак, муҳожирликка тайёргарлик чипта олиш ёки иш берувчи топишдан анча олдин бошланиши лозим.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштиришга қаратилди. Унда фуқароларни хорижга ишга жўнатиш тартиблари билан бир қаторда, воситачилар фаолиятини назорат қилиш ва хорижда меҳнат қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари қамраб олинди.

2019 йил 20 августдаги фармонда эса хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш масаласига эътибор берилди. Бу ёндашув хорижда ишлаётган инсоннинг муаммоси унинг шахсий муаммоси эмаслиги, манфаатлари фақат хорижга чиқиши ёки ишга жойлашиши билан чекланмаслиги, оиласи эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиниши зарурлигини кўрсатди.

Чунки одам ўз уйини, оиласини, таниш муҳитини тарк этаётганда, у билан бирга яқинларининг хавотири ҳам сафарга отланади. Ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганми, иш ваъда қилинганидек чиқадими, иш берувчи келишувга риоя этадими, муаммо туғилса, ким ёрдам беради? Бу саволларга жавоблар инсонни миграция сиёсати марказига олиб чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида хорижда ишлаётган фуқаролар билан узлуксиз мулоқот ўрнатиш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, юртга қайтганидан кейинги бандлигини таъминлаш масалалари кўтарилди. Шу тариқа миграцияга фақат хорижда иш топиш жараёни эмас, балки инсоннинг тайёргарлиги, ҳуқуқий ҳимояси ва кейинги меҳнат фаолиятини ҳам қамраб оладиган тизим сифатида қараладиган бўлди.

Бироқ қонуний ва хавфсиз миграциянинг ўзи инсоннинг барча муаммоларини ҳал эта олмайди. Агар унинг касбий малакаси талабга жавоб бермаса, тил билими етарли бўлмаса ёки хорижда ишлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга қурби етмаса, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳам қийинлашади. Шу туфайли кейинги босқичда ҳуқуқий ҳимоя билан бир вақтда мигрантнинг тайёргарлиги ва моддий имкониятларини кенгайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиш, айрим харажатларни қоплаш ҳамда ижтимоий кўмак бериш каби йўналишларга эътибор қаратилиши миграция сиёсатининг инсон ҳаётига дахлдор жиҳатларини кенгайтирди.

Меҳнат миграциясига тайёргарлик фақат касб ўрганиш ёки хорижда иш топиш билан тугамайди. Йўлга чиқишдан олдин тил ва малака имтиҳонларини топшириш, ишчи визасини расмийлаштириш, йўл чиптасини харид қилиш керак. Бу харажатлар эса хорижда ишлашга умид боғлаган, аммо маблағи кам инсон учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Шу боис, “Хорижда иш” дастури доирасида белгиланган шартлар асосида малака ва тил имтиҳонлари харажатларини БҲМнинг уч бараваригача, ишчи визасини расмийлаштиришни беш бараваригача, йўл чиптасини эса икки бараваригача қоплаш механизми жорий этилди. Бундан ташқари, тегишли мезонларга мувофиқ келадиган, 18 ёшга тўлган ва 50 ёшдан ошмаган фуқароларга икки йил муддатга, йиллик 18 фоиз ставкада 10 миллион сўмгача микрокредит олиш имконияти берилди.

Давлат кўмагининг муҳим йўналишларидан бири хорижда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқароларга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўрнатилган тартиблар асосида тиббий харажатларни қоплаш, вақтинча турар жой ҳақини тўлаш, Ватанга қайтиш харажатларига ёрдам бериш ва бир марталик моддий кўмак кўрсатиш каби чоралар назарда тутилди. Ёрдамнинг тури, миқдори ва шартлари тегишли тартиб ҳамда муайян вазиятга қараб аниқланади.

Бундай кўмакнинг аҳамияти фақат маблағ ажратилиши билан эмас, унинг инсон муаммосини ҳал этишга қанчалик ёрдам бериши билан баҳоланади. Хорижда тиббий ёрдамга муҳтож бўлган, вақтинча бошпанасиз қолган ёки юртига қайтиш учун маблағ топа олмаган фуқаро учун ўз вақтида кўрсатилган ёрдам оғир вазиятдан чиқиш имконини беради. Шунингдек, мигрантнинг ортида қолган оиласи, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонлар, ногиронлиги бўлган оила аъзолари ва таълим олаётган болалар эҳтиёжлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Миллат тақдирини ўйлаш масъулиятини зиммасига олган раҳбар учун меҳнат миграцияси ҳам миллий ғурур, ҳам ижтимоий адолат масаласидир. Хорижда меҳнат қилаётган фуқаронинг ҳуқуқлари поймол этилганда, у камситишга дуч келганда ёки оғир вазиятга тушиб ёрдамга муҳтож бўлганда ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги керак.

Ташқи меҳнат миграциясига ёндашув биргина қарор ёки фармон билан ўзгармайди. Бу жараён йиллар давомида қабул қилинган ҳужжатлар, қўйилган вазифалар ва шаклланган механизмлар орқали босқичма-босқич ривожланди.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Intil” халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази шундай босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлардан бири. Қарийб 3,5 гектар майдонда жойлашган мажмуада 600 ўринли ўқув хоналари, 180 ўринли амалий машғулот хоналари, 120 ўринли имтиҳон маркази ва 400 ўринли ётоқхона мавжуд. Ўқув-амалий машғулотлар учун жиҳозлар Германия, Хитой ва Россиядан олиб келинган.

Марказда немис, инглиз, япон, корейс, чех, поляк, итальян ва словак тиллари бўйича тайёргарлик йўлга қўйилган. Тил ўқитиш дастурлари 6 ойдан 10 ойгача давом этади.

Хорижий иш берувчилар эҳтиёжларига қараб таълим мазмуни янгиланиб, тўлдириб борилади. Бу ерда фуқаронинг дастлабки мурожаатидан тортиб, ҳужжатларини расмийлаштириш, тил ва касб ўрганиш, малакасини тасдиқлаш ҳамда хорижга ишга жўнаб кетишигача бўлган босқичлар қамраб олинган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тартибли меҳнат миграциясига муносабат тубдан ўзгарди. Илгари бу йўналишда 3 та давлат билан ишланган бўлса, ҳозир улар сони 27 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган йирик хорижлик иш берувчилар қарийб 400 тага кўпайди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги маълумотларига кўра, 2025 йил давомида уч мингдан ортиқ фуқаронинг мурожаати кўриб чиқилиб, чет эллик иш берувчилардан ҳамюртларимиз фойдасига 1,9 миллион доллар миқдорида иш ҳақи ва компенсациялар ундириб берилган. Шунингдек, агентлик кўмагида 406 фуқаронинг иш берувчилар ва воситачилар олиб қўйган шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари қайтариб олинган. Бу рақамлар замирида қуруқ ҳисоботда акс этмайдиган инсон тақдирлари мужассам.

Давлатнинг вазифаси миграцияни тақиқлаш эмас, уни инсон учун хавфсизроқ ва танловга асосланган жараёнга айлантиришдир. Давлатнинг қудрати эса армияси ёки бюджети билангина эмас, фуқаросининг қадр-қимматини асрай олиш қобилияти билан ҳам ўлчанади.

Глобал жараён, улкан масъулият

Меҳнат миграцияси бугун жаҳон иқтисодиётининг муҳим қисмига, меҳнат бозорлари, демографик ўзгаришлар ва инсон интилишларини ўзаро боғлаб турган глобал жараёнга айланди. Одамлар қаерда иш борлиги, қайси мамлакатда малакасига талаб юқорилиги, қаерда муносиб даромад ва касбий ўсиш имконияти мавжудлигига қараб ҳаракатланмоқда.

Бугун дунёда фақат ишчилар эмас, билим ва интеллектуал салоҳият ҳам мамлакатлар ўртасида ҳаракатланмоқда. Бу жараён, бир томондан, инсонга касбий ўсиш, тажриба орттириш ва илғор технологияларни ўзлаштириш имконини беради. Иккинчи томондан эса мутахассисларнинг узоқ муддатга кетиши уларни тайёрлаган мамлакат учун малакали кадрлар танқислигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун замонавий миграцияни фақат “кадрлар кетиши” сифатида эмас, балки билим ва тажрибанинг халқаро айланиши нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш зарур.

Миграция самарали бошқарилса, у барқарор ривожланишнинг қудратли драйверига айланади. Бугун дунёда демографик тафовутлар чуқурлашмоқда: айрим мамлакатларда аҳоли ва ёшлар қатлами ўсиб бораётган бўлса, бошқалари аҳолининг қариши ва ишчи кучи тақчиллигига дуч келмоқда. Миграция ана шу эҳтиёж ва имкониятларни бир-бирига боғлайди.

Глобал меҳнат бозорида рақобат кучайган шароитда малакали кадрлар тайёрлаш, касбий салоҳиятини ошириш, ҳуқуқ ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларига айланмоқда.

Миграциянинг глобал иқтисодиётдаги ўрнини пул ўтказмалари ҳам яққол кўрсатади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2025 йилда дунё бўйича халқаро шахсий пул ўтказмалари ҳажми 804 миллиард доллардан ошди. Бу кўрсаткич меҳнат миграциясининг нафақат миллионлаб оилалар даромади, балки жаҳон иқтисодиётидаги муҳим молиявий оқимлардан бирига айланганини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам ташқи меҳнат миграцияси мамлакат иқтисодиёти ва кўплаб оилалар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Марказий банк маълумотларига кўра, 2026 йилнинг биринчи ярмида мамлакатга келиб тушган халқаро пул ўтказмалари ҳажми 9,3 миллиард долларни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 фоиз кўпдир. Пул ҳажми ошиши баробарида пул ўтказмалари географияси кенгайиб бормоқда.

Бу рақамлар миграциянинг иқтисодий аҳамиятини тасдиқлайди, аммо унинг ижтимоий мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Чунки пул ўтказмаси — натижанинг бир қисми, холос. Унинг ортида хорижда ишлаётган инсоннинг меҳнати, оиласи олдидаги масъулияти ва келажакка боғлаган умидлари мужассам. Шу боис, миграция сиёсатида маблағлар оқимини ҳисоблаш билан бир қаторда инсоннинг меҳнат шароити, ҳуқуқий ҳимояси, касбий ўсиши ва оиласининг фаровонлигини ҳам назарда тутиш зарур.

Йиғилишда таъкидланишича, йил бошидан буён 1 миллион 116 минг киши миграциядан қайтган. Улар саноат, логистика, қурилиш ва бошқа соҳаларда ўзига хос тажрибага эга. Хорижда йирик саноат корхоналарида ишлаб, замонавий технология ва меҳнат маданиятини ўзлаштирган бу каби мутахассисларни мамлакатимиз корхоналарига жалб этиш лозим. Бу улар учун катта имконият.


Ўзбекистоннинг хорижданги дипломатик ваколатхоналари ва меҳнат миграцияси соҳасидаги масъул тузилмалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қийин вазиятларда амалий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий идоралар билан мулоқот ўрнатишда муҳим вазифани бажаради.

Тараққиётнинг ҳақиқий мезони қанча инсоннинг юртни тарк этгани ёки қанча маблағ юборгани билангина белгиланмайди. У инсон ўз билими, меҳнати ва интилиши билан қаерда бўлмасин муносиб ҳаёт қуриш имконига эга экани, ўз юртига қайтса, орттирган салоҳиятини рўёбга чиқара олиши билан ҳам ўлчанади. Миграция инсон учун ягона йўлга эмас, танлаш мумкин бўлган имкониятлардан бирига айланганида, унинг фойдаси ҳам шахс, ҳам оила, ҳам жамият учун янада тўлиқ намоён бўлади.

2026 йил 11 ноябрь, 234-сон

Ҳар бир адабиётнинг ўз маънавий устунлари, ёш ижодкорлар учун устоз-суянчиқлари бўлади. Бундай юксак мавқега кўтарилган адибларнинг умри ва ижоди йиллар саноғига сиғмайди. Асарлари эса неча-неча китобхон авлодга йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Ўзбек адабиётининг XX аср адоғидаги муваффақияти ҳақида гап кетганда, асарларининг бадиий-эстетик салмоғи, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб бериши, тарихий воқелик моҳиятини тўғри англаши ва унинг ижтимоий-бадиий талқин билан ўзаро уйғунлигига эришиши жиҳатидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади.







Катта адабиётдаги уч ака-ука



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Адабиётнинг бош вазифаси инсон-шунослик экан, бадиий асарда одамларнинг тақдири ва ҳаёт йўли, давр, жамият ҳамда шахс муносабатлари, миллий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар, адолат, инсоф-диёнат учун кураш, шунингдек, бу жараёнларга тўғаноқ бўладиган саноқсиз иллатлар бир-биридан узилмаган ҳолда тасвирланиши, буларнинг барчаси ўқувчи ҳукмига ҳавола этилаётган ҳар бир асарнинг бош мавзуси бўлиши керак. Одил Ёқубовнинг қисса ва романларида айни шу талабга қатъиян риоя қилинганини кўрамиз. Уларда инсоннинг, у ким бўлишидан, ҳаётда ва жамиятда қандай мавқега эгалигидан қатъи назар, кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умиди, ўзлигини топиш ва англаш йўлидаги уринишлари, ногаҳоний синов ва зарбаларга дош бера олиши ёки бунинг акси бўлган қўрқув, беғамлик, журъатсизлик каби иллатлар қуйма ифодасини топади. Ўқувчи кўз ўнгида ўтмишнинг ёруғ лаҳзалари билан бирга қора тунлари, қатлиомларигача яққол гавдаланади. Китобхон уларга ишонади, чуқур ҳис этади ва муайян муддат шу воқеалар таъсирида яшайди.

Адиб асарларида инсоннинг ҳар қандай шароитда ҳам виждон ва имон амрига содиқ қолиши, ҳалол ва пок йўлдан чалғимаслиги, бунинг учун ўзида жасорат ва маънавий куч топа билиши ғояси хуш-нохуш тарихий воқеалар, турли тақдирлар мисолида қизил ипдай бир-бирига уланиб, бир-бирини тўлдириб боради. Биз бугун шундай инсонлардан бири бўлган, яқин ўтмишда ҳам ҳалоллик ва ростгўйлик учун курашган олим Нормурод Шомуродовни (“Диёнат”) эслаймиз. Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийдек икки буюк аллома ўртасидаги гоҳ самимий, гоҳ зиддиятли муносабатлар замирига маҳорат билан сингдирилган янада буюк ҳақиқат — ҳукмрон доиралар хоҳиши ва илмий ҳалоллик ўртасидаги ахлоқий курашни кўз олдимизга келтирамиз (“Кўҳна дунё”). Али Қушчининг устози меросини сақлаб қолиш учун кўрсатган шогирдлик жасоратидан ҳайратланамиз (“Улуғбек хазинаси”).

Ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатимизда юз берган шафқатсиз қатағон фожиалари акс этган “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” асарида ҳам туҳмат, даҳшатли қийноқ ва қамоқ азобларига дош берган имони бут, виждони пок одамларнинг кучли иродаси, маънавий юксаклигига дуч келамиз. Бу қаҳрамонлар бугунги ёш авлод тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, десак, муболаға бўлмайди.

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов қадрдон дўсти Одил оғанинг “Улуғбек хазинаси” романини ўқир экан, ўзбек адабиётида (Айтматов суҳбатларидан бирида “туркий адабиётда ҳам” деган иборани ишлатган — **муаллиф**) янги, ёрқин асар пайдо бўлганидан фахрланиб, муаллифга ғоят таъсирчан, мазмунан жиддий, адабий тадқиқотдан қолишмайдиган қўлланма-мактуб ёзади:

“Адил. Бугун мен чуқур мамнуният билан, виждон амрига итоат этган ҳолда сенга аллақачон йўллашим лозим бўлган ушбу мактубни ёзмоқдаман. “Улуғбек хазинаси”ни, гарчи бир оз кечикиб бўлса-да, зўр қизиқиш ва мароқ билан ўқиб чиқдим.

Яхши китоб ҳақида завқ билан ёзиш мумкин. Сенинг асаринг юксак проза намунаси бўлибди. Бадиий жиҳатдан баркамол бўлган бу тарихий роман мени чинакамига ларзага солди. Ўқувчини тўлқинлантира олиш тарихий санъат асарига хос бирламчи аломатдир. Ва мен бу сафар туркий халқлар вакили сифатида дилимда чуқур мамнуният ва ғурур-ифтихор ҳиссини туйдим.

Улуғбек бизнинг бебаҳо ўтмишимиз бўлибгина қолмай, мана шу табаррук заминда эгаллаган ўрнимизни оқловчи сиймо ҳамдир. Улуғбек бизга дунёни муҳокама этиб, ҳукм чиқариш учун ҳуқуқ ва ваколат берадиган, дарду ҳасратимизни, чеккан алам ва изтиробларимизни ифода этувчи унутилмас зотдир, десам, муболаға бўлмаса керак...”.

Икки забардаст ёзувчининг самимий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги узоқ вақт давом этди. Улар Тошкент, Бишкек, Олмаота, Истанбул каби шаҳарларда тез-тез учрашиб, миллий адабиёт ривожи ва унинг бугунги вазифалари хусусида мириқиб суҳбатлашар, Одил ака бир гал ўзи айтиб берганидек, баъзан ўртада самимий тортишув ва баҳслар ҳам бўлиб турар эди. Бир мисол. Одил ака менга Чингиз Айтматовнинг “Новый мир” журнали бош муҳаррири А.Твардовскийга ёзган мактубини ўқиб бергани ёдимда. Мана ўша мактуб:

“Ҳурматли Александр Трофимович!

“Алвидо, Гулсари”нинг қайта ишланган янги (охирги) вариантини жўнатмоқдаман. Сизнинг асар сюжети динамикаси ва овул ҳаёти билан боғлиқ саҳналарга доир барча таклифингизни ҳисобга олдим. Матн анча такомиллашди деб ўйлайман.

Сиздан илтимосим — иккинчи бобдаги Танабойнинг от билан суҳбати ва халқ айтимлари қисқариб кетмасин. Борлиқни миллий идрок этишда булар абстракт экзотика эмас, балки фикр юритиш ва ҳис этиш услубидир. Агар биз асар тилини силлиқ газета тилидай соддалаштирсак, повесть нима мақсадда ёзилганини — ўзининг асосий моҳияти бўлмиш поэтик ҳақиқатини йўқотади. Мени тўғри тушунасиз деган умид билан қарорингизни кутаман.

Ҳурмат ва қалб ҳарорати билан, Чингиз Айтматов. 1966 йил”.

Одил аканинг айтишича, икки дўст бадиий асарда миллий колоритдан фойдаланишда меъёрни сақлаш, ҳаётийлик ва бадиий умумлашма уйғунлиги хусусида кўп мушоҳада юритган. Чунончи, Айтматовнинг ёзган мактуби сўнггида бундай жумла бор: “Албатта, романда камчиликлар ҳам бор. Бугун уларга тўхталиб ўтирмайман. Учрашганимизда батафсил гаплашиб оламиз. Бор бўл.

P.S. Менда “Улуғбек хазинаси”нинг ўзбекчаси, бўлса яхши бўларди-да”.

Чингиз Айтматов қадрдон дўстини туғилган кунининг 70 йиллиги билан қутлаб, унга ушбу мактубни йўллаган:

“Ҳурматли Адилжан.

Биз сен билан бир вақт, бир тақдир ҳукмида эканмиз, мен туғилган кунингнинг 70 йиллигини ўзим учун жуда яқин, бизга тенгдош авлоднинг адабиёт ва ижтимоий ҳаётга доир тарихидай қабул қиламан.

Сенинг ижодинг боис, ўзбек насри янги адабий ривожланиш даражасига — риторик андозалардан дунёвий реализм эстетикасига кўтарилди. Катта ҳурмат ва қониқиш билан эътироф этаманки, сен ўзинг ташкилотчиларидан бири бўлган “Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси”нинг Тошкентдаги ишларига дастлабки кунлардан бошлаб фаол раҳбарлик қилиб келмоқдасан. Бу ишинг бугунги шароитда туркий дунё адабиётини ривожлантиришнинг янги йўлларини излашда катта аҳамиятга эга.

Адилжан дўстим, сен, мен ва Пиримқул Қодиров Ўшда содир бўлган китобхонларининг бахтига ҳамиша соғ бўл, қаламинг бундан ҳам ўткирлашиб боравергай, қадрли дўстим!”.

Ҳаёт ва ижодда бўладиган ноёб воқеа — чин, самимий дўстлик ҳақида гап кетганда, Одил оғанинг яна бир дўсти — Пиримқул Қодировни эслаш жоиз деб ўйлайман. Уларнинг мактуб тарзидаги ёзишмалари икки ўртадаги муносабатнинг

Ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатимизда юз берган шафқатсиз қатағон фожиалари акс этган “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” асарида ҳам туҳмат, даҳшатли қийноқ ва қамоқ азобларига дош берган имони бут, виждони пок одамларнинг кучли иродаси, маънавий юксаклигига дуч келамиз. Бу қаҳрамонлар бугунги ёш авлод тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, десак, муболаға бўлмайди.

воқеалар пайтида миллатдошларимизнинг қайғусига қайғудош, дардига дарддош бўлганимизни доимо эслаб тураман. Биз жабрдийдалар олдига миллий тотувликка даъват этувчи уч ака-ука сифатида борган эдик, қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам бизни тушуниб, ҳурматимизни жойига қўйишди.

Ҳурматли Адилжан, сенга саломатлик тилайман, бундан бошқа ҳаммаси сенинг ақл-идрокинг ва иродангга боғлиқ”.

Ушбу қутловга Одил Ёқубов бундай жавоб ёзган:

“Илоё, ўша машъум қора кунлар сира қайтиб келмагай. Мен сендай буюк ёзувчи, айни замонда оддий ва камтар инсон билан замондош бўлганимдан тобад ифтихор қиламан. Яратган Эгам мени сен билан узоқ йиллар дўст бўлиш, охирги йилларда эса олижаноб бир мақсад йўлида бирга ишлаш, сенинг дилбар суҳбатларингни олиш бахтига мушарраф қилди. Сўнгги пайтларда мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, айниқса, кечқурун, уйқум қочган дақиқаларда кўп эслайман. Чексиз қувонч ва миннатдорлик билан эслайман. Бизнинг бахтимизга, нафақат туркий халқлар, балки бутун жаҳон халқлари самимий ва дўстоналиги, адабиёт ҳаққи очиқ, аччиқ ва талабчан руҳда экани, кези келганда эса нозик пардали қочиримларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Адабиётшунослар бадиий асарда муаллифнинг қалб олами, дунёқараши, феъл-атвори ва турмуш тарзи ҳам кўринади, дейишади. Бу тўғри, албатта. Аммо эпистоляр жанр деб аталмиш мактубларда бу жиҳатлар янада яққол, худди кўзгуда акс этганидек тиниқ кўринади. Жаҳон адабиётининг мактуб шаклида ёзилган кўплаб бебаҳо намуналари бунга мисол бўла олади. Ўқувчи фикрини тиниқлаштириш учун узоққа бормай, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировнинг ўзаро ёзишмаларидан айрим намуналар келтирамиз.

Одил ака қадрдон дўстининг “Уч илдиз” романи қўлёзмасини ўқиб, унга бундай хат ёзади:

“Пиримқул, салом!

Қалай, ишлар бешми? Романни тугатиб, эркин нафас олиб, ўйнаб юрибсизми? Кеча давомини олдим. Бу ёғини таҳрир қилиб қўйган эдим, уч-тўрт кунда (25 январда) олиб бориб топширишим мумкин. Таҳрир масаласида хат ёзган эдингиз, кўп фикрларингизга қўшилиб бўлмайди, албатта. Лекин сиз айтганингиздек қилиб, мумкин қадар қўл теккизмасликка ҳаракат қиляпман. Агар “Лит.издат” рози бўлса, мен — рози.

Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, газеталарда (романингиздан) парча ўқиганлар ҳам тилининг ғализлигидан шикоят қилиб юришибди, сўнг фикр кўп такрорланади, чўзиб юборилган, дейишади. Бу фикрларнинг ҳаммасига бўлмаса ҳам, ўттиз фоизига қўшиламан: агар роман йигирма-йигирма беш фоиз қисқартирилганда, фақат ютарди. Бу гапни чин қалбимдан айтяпман. Айниқса, муҳаббат ҳақидаги жойлари меъёридан ошиб кетган. Бу нарса романнинг охирига яқинлашганда жуда билиниб қолар экан. Энг ёмони — муҳаббатдек азиз туйғу яхши ифодалаб (тасвирлаб демоқчиман) берилган жойлари ҳам меъёридан ошиб кетгандан кейин ёғли паловдек кўнгилга тегиб қолар экан. Бу сўзларга хафа бўлманг, мен дўстона танқид қиляпман. Агар ўзингиз келиб, романни биргаликда бир кўриб чиққанимизда эди, бу нарсани тузатиб юбориш мумкин бўларди.

Энди “Шарқ”қа келсак, мен бу тўғрида кўп гапираверіб, тўғрисини айтсам, қандайдир ёмон кўриниб қолдим. Мирмуҳсин тилига “придирка” қилиб, муаллиф яна ишласин, деганга олиб келяпти...”.

“Салом, дўстим Одил!

Бу охири (романнинг якуни) жуда қийнаяпти, кўп ручка ушлаганимдан бармоқларим зирқираб оғрийдиган бўлиб қолди. Ўзи беш-олти кунда битадиган иш қолган.

Қани энди, бир ҳафтага бориб келақолсам. Лекин ҳеч иложи йўқ. Агар икковимиз бевосита гаплашсак, бир-биримизни тез тушунишимиз мумкин эди, ҳар бир сатр қўл оғриғи билан ёзилаётган пайтда узун-узун хатлар ёзиб ўтирмас эдик. Лекин бошқа йўли йўқ. Гап бир неча жумлани сиз ўзингизча тузатганингизда эмас. Мен сизнинг буни жонкуярлик билан, самимий қилаётганингизни сезаман, бу мен учун жуда азиз, билинг. Гап кўпроқ менинг ёзганларимга танқидий кўз билан қараб, ўзингизнинг фикрларингизга озроқ танқидий кўз билан қарамаётганингизда, бу ўзингизга сезилмаслиги мумкин, лекин менга жуда сезиляпти.

“Пиримқул, салом! Қалай, ишлар бешми? Романни тугатиб, эркин нафас олиб, ўйнаб юрибсизми? Кеча давомини олдим. Бу ёғини таҳрир қилиб қўйган эдим, уч-тўрт кунда (25 январда) олиб бориб топширишим мумкин. Таҳрир масаласида хат ёзган эдингиз, кўп фикрларингизга қўшилиб бўлмайди, албатта. Лекин сиз айтганингиздек қилиб, мумкин қадар қўл теккизмасликка ҳаракат қиляпман. Агар “Лит.издат” рози бўлса, мен — рози.

Бир марта “ишонувчанлик” деган сўз йўқ деган эдингиз. Балки “сезувчанлик” ҳам йўқ, дерсиз? Бор. Бўлмаган тақдирда ҳам топиш керак эди, чунки шу нарса ҳаётда бор. Ҳаётда бор нарсани ўқувчи тушунади. Бири тушунмаса, бошқаси тушунади, ўқиганроғи тушунади. Умуман, “ўқувчи тушунади, тушунмайди” деган баҳсимизда кўпинча ўқувчининг хилма-хил эканини, ёзувчи илғорроқ, кўпроқ нарсага фаҳми етадиганроқ ўқувчиларни кўз олдига келтириб ёзиши кераклигини ҳисобга олмаймиз. Русча дегансиз. Ойбекнинг “Қуёш қораймас”ини ўқиётибсизми? Русча иборалар. Жумлаларни кўраётибсизми? Нега ҳамма “нельзя”лар фақат бошловчи ёзувчиларга айтилади? Ҳаётда бор кўп нарсалар биздан олдин рус тилида сўз, ибора ҳолича келтирилган бўлса, биз нега яна қайтадан велосипед ихтиро қилиб юришимиз керак, нега уларни баъзан ўз тилимизнинг қонунларига мослаб таржима қилиб киритишимиз мумкин эмас? Ахир рус адабий тилининг ўзи ҳам немис, француз, инглиз романлари XIX асрда кенг таржима қилинмасдан олдин қанақа эди-ю, кейин қандай тез ўсиб, бойиб кетди — бир тасаввур этинг... Биламан, сизнинг ўзингизни ҳам “русчадан таржима қилаётгандай ёзасан”, деювчилар кўп, шунинг учун бу жиҳатдан жуда эҳтиёт бўлиб юрасиз... Хатингизда келтирилган бошқа тузатишлар яхши. Лекин юқоридаги иккита нарса қолсин, илтимос қиламан.

Нашриётдагиларнинг “кулиши ё сўкиши” масаласига келсак, бундан ҳеч ҳам хавотирланмасангиз бўлади. Ҳар ҳолда бириникидан ёмон бўлса, бириникидан қолишмас.

Биласизми, Одил, мен муҳаррир бўлганимда, қанақа муаллифни орзу қилар эдим? Муҳаррирга мумкин қадар кам иш қолдирадиган муаллифни... Шунинг учун, кўргандирсиз, ўлиб-тирилиб тузатяпман, ҳамма нарсани ўз қўлим билан қилишга ҳаракат қиляпман. Киши юрак қони билан ёзган ҳар бир сатрни, ҳар бир ҳарфни ўз баданидаги бир ҳужайра, бир нерв, бир мускулдек ҳис қилади. Мен ҳар бир жумла устида шунчалик баҳслашаётганим ҳам шундан. Шундай долзарб пайтда ёзилган шу нарсаларни ҳисобга олиб таҳрир қиларсиз деб умид қиламан. Мабодо нашриёт сизга бир нарса деса, жавобгарликни менга ҳавола қилинг, кўнмади, деяверинг. Охирини беш-олти кунда юборишга ҳаракат қиламан” (1958 йил).

“Таҳрир” деган фавқулодда зарур адабий-ижодий фаолият, халқ тили билан айтганда, шамолда буғдой шопиришдек муҳим иш кундан-кунга камайиб бораётган, катта-кичик, номдор ва номи фақат беш-олтита тезоб муаллифгагина маълум бўлган “қўлбола” нашриётларда эса муаллиф матнига қўл урмаслик, у қандай келган бўлса, шундайлигича чоп этиш урф бўлаётган бугунги кунда бу мактублар муаллифлар учун ҳам, ноширлар учун ҳам катта аҳамиятга эгалигини, бундай “ҳотамтойлик” адабий жараён мавқеига путур етказиши мумкинлигини эътироф этишимиз зарур. Уч ака-уканинг бу борадаги йўл-йўриқлари доимо ҳаммамизнинг ёдимизда турмоғи лозим.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
ЎзА якуни — 02:24 Топширилди — 03:50